



Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
2018 йил 8 сентябрда 0989-сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинган.

Журнал таҳририят компютерида терилди ва саҳифаланди.

Таҳририятта тақдим этилган материаллар тақриз
этилмайди ва эгаларига қайтарилмайди. Муаллиф фикри таҳририят
нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур
тумани, А.Навоий кўчаси, 22-уй.
Телефон: +99 871 241 08 59
+99 871 241 33 84
E-mail: gidromedia@inbox.uz
uzgidrojournal@inbox.ru

III(7)

Октябрь

2020

Сўз боши

Пандемия шароитида белгиланган режалар ижросини таъминлаш йўли-
да 2

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

Иқтисодийнинг энергия самарадорлигини ошириш ва
мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилиш-
энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора
тадбирлар тўғрисида 3

"Оқсу дарёсида Рабат ГЭС қурилиши, Оқсу дарёсида
Чаппасуй ГЭС қурилиши ва Оқдарё-Оқсу дарёсида Тамшуш ГЭС
қурилиши" инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари
тўғрисида 7

Бош муҳаррир минбари

Янги ГЭСларни қуриш борасида
Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорлик 9

Международное сотрудничество

Хулкар ЖУРАЕВА.
СП ООО «Energorekurs»: достойный выбор для
сотрудничества 10

Гидротехнические сооружения

Кахрамон ФАТИЛЛАЕВ, Шарифжон МАКСУДОВ, Хасан КУРБАНОВ.
Совершенствование параметров буровзрывных работ при
проходке вертикальной шахты второго яруса СЭВ на
Пскемской ГЭС 12

Сафар ХАЛМУМИНОВ, Севара ШУКУРОВА, Эльёр ИРГАШЕВ.
Перспективы развития гидроэнергетики реки Туполанг в
Сурхандарьинской области 16

Гидротехник иншоотлар

Анвар УРАЗОВ.
Гидроэлектр станциялардан фойдаланишни таъкиллаштириш ва мута-
хассисларни ушбу жараёнга тайёрлаш масалалари 18

Илмий-техник, назарий асослар

Актам ДЕНМУХАММАДИЕВ, Шоакбар ШОЮСУПОВ,
Якубжон ЧЎЛЛИЕВ, Шокир ШОЮСУПОВ, Эркин СОБИРОВ.
Ўзбекистон Республикаси жанубий ҳудудларида жойлашган сув омборла-
ри тўғрисида куёш фотоэлектр станцияларидан самарали фойдаланиш маса-
ласи 20

Якубжон ЧЎЛЛИЕВ, Алимардон МУСТАФОҚУЛОВ.
Шамол электр қурилмаларининг парралари ва баландлиги
ўлчамларининг энергия самарадорлигига кўрсатдиган таъсири 23

Анвар ДЖАЛИЛОВ, Ойбек НАЗАРОВ, Якубжон ЧЎЛЛИЕВ.
Сув омборидаги сув ҳажмини оптимал бошқариш
дастурини ишлаб чиқиш 26

Научно-технические, теоретические основы

Севара ШУКУРОВА, Машариф БАКИЕВ.
Плановые размеры симметрично остесненного потока
комбинированными дамбами со ступенчатой застройкой 30

Олег ГЛОВАЦКИЙ, Дилшод БАЗАРОВ, Рустам ЭРТАШЕВ,

Бекмамат ХАМДАМОВ, Наим ИСМАИЛОВ, Наира НАСЫРОВА.

Обеспечение энерго и водосбережения при эксплуатации
водозаборов машинного водоподъема 34

Дилшод БАЗАРОВ, Руслан БАЙМАНОВ, Ахмади МАХФУЗ.
Гидравлический режим эксплуатации Тахиташского
гидроузла 39

Павел БОЛОТОВ.
Применение технологии блокчейн распределённой генерации на основе
возобновляемых источников энергии 45

Герман ТРЕЩАЛОВ.
Основные возможности снижения водно-энергетических и
экологических рисков при строительстве Роугунского гидроузла 49

Шоакбар ШОЮСУПОВ, Якубжон ЧЎЛЛИЕВ, Азиз ДЖАБАРОВ.
Разработка технологических основ и нетрадиционных
источников электроснабжения насосных установок вертикального дренажа 55

Тоҳир БАЙЗАКОВ, Нуриддин МАРКАЕВ, Шарофиддин ЮСУПОВ.
Изучения воздействия энергии электромагнитного поля на
соответствующие виды растительного мира и обоснование
возможности применения их в технологических целях 59

Дилшод БАЗАРОВ, Бахтиёр ОБИДОВ, Ойбек ВОХИДОВ.
Гидродинамические воздействия на элементы потока устройств нижнего
бьефа при наличии кавитации 62

ГЭСлар тарихи

Зулфия ШАИСМОИЛОВА.
Андижон ГЭС-1 68

Жаҳон ГЭСлари

Жуманазар ШОМУРАТОВ.
Окинава кичик ГАЭС 69

Махамат АТАХАНОВ.
Робер-Бурасса гидроэлектростанцияси 70

Шохрух КУРБОНОВ, КУРБАНОВ.
Тери гидроэлектр станцияси 71

Муқобил электр станциялар

Акмаль САМЕДЖАНОВ.
Тўқинли электр станцияси 73

Бехзод НАРИМАНОВ.
Шамол электр станцияси 74

Достижения отрасли

АО «Ўзбекгидроэнерго» первая среди производственных
предприятий республики получила кредитный рейтинг
международного рейтингового агентства "Fitch Ratings" 76

В Узбекистане пройдет большая конференция в сфере
гидроэнергетики 77

Соҳа фахрийси

Гидроэнергетика фидойиси 78

Гидроэнергетика дугати

Гидроэнергетика тизимидаги асосий тушунчаларга доир 79

Таҳрир хайъати

Абдуғани САНГИНОВ
Бекзод АМИРСАИДОВ
Фозил МАХМУДОВ
Иноят СУНАТОВ
Кахрамон АЛЛАЕВ
Муродилло МУХАММАДИЕВ

Дилшод БОЗОРОВ
Бахриддин ХАСАНОВ
Машариф БАКИЕВ
Абдусaid ИСАҚОВ
Ислом АБДУРАХМОНОВ
Акмаль САМЕДЖАНОВ

Халқаро маслаҳат хайъати

Николай ВАТИН
Николай АНИС КИН
Дмитрий КОЗЛОВ
Юлия БРЯНСКАЯ
Ирина МАРКОВА
Александра БЕСТУЖЕВА

Бош муҳаррир
Равшан БОЙҚУЛОВ

Масъул муҳаррирлар
Хулкар ЖУРАЕВА
Бехзод НАРИМАНОВ
Саҳифаловчи дизайнерлар
Темуржон БҮРИБОЕВ
Шокир САРИМСОҚОВ

Пандемия шароитида белгиланган режалар ижросини таъминлаш йўлида

Албатта, COVID-19 пандемияси сабабли жаҳон ҳамжамиятида юзага келган оғир ва таҳликали вазият бундан роштар-роса 75 йил олдин Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил этилган ва бутун дунёни ларзага солган II Жаҳон урушидан кейинги оғир вазиятни ёдга солиб юбормоқда. Ер юзидида умидсизлик, мавҳумлик ва иллатсизлик ҳукм сургани ўша даврда бутун инсоният улкан иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ботқоқидан ўзаро саъй-ҳаракатларини бирлаштириш асосида чиқиш мумкинлигини чуқур ҳис қилган эди.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТдаги чиқишини оддий нутқ эмас, балки биз яшаётган давр нуқтаи-назаридан жаҳон ҳамжамиятини ҳамкорлик, умумий масъулият, сафарбарлик ва халқаро ҳуқуқнинг пойдевори ҳисобланган принципларга чақирини, ёхуд чорлови, деб аташ муболаға бўлмайди. Ўзининг 75 йиллик юбилейини нишонлаётган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳам, энг қудратли ривожланган давлатлар бутун дунёни таҳликада ушлаб турган пандемиялар каби шароитларда қандай йўл тутишни билмай қолганлиги бор гап. Бутун дунё ўзаро саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, умумий масъулият, халқаро шерикликни янги босқичга кўтаришга ҳар қачонгидан ҳам кучли эҳтиёж сезмоқда.

Албатта, бутунги оғир давр ҳам халқаро ҳамжамиятдан ўзаро ҳамкорлик ва ишонч асосида мутлақо янги халқаро ҳуқуқий моделни ишлаб чиқишни талаб қилмоқда. Бош Ассамблеянинг етмиш бешинчи сессияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тарихида илк марта онлайн мулоқот режимида ташкил этилганлиги ҳам халқаро ҳуқуқнинг замини ҳисобланган инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни кечиктириб бўлмас вазифа эканлигини аңлатади.

Давлатимиз раҳбари алоҳида урғу берган муҳим масала - қашшоқлик ва камбағаллик муаммоси, аввало, пандемия шароитида юзага келган ишсизлик ва тирикчилик манбаларидан маҳрум бўлиш билан боғлиқ оғир вазият билан чамбарчас боғлиқ. Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотларига кўра, ишчиларнинг атиги 18 %и масофавий ишлашга имкон берадиган иш жойларидида ишлайди. Глобал миқёсда айтиладиган бўлсак, пандемия 2 миллиард ишчидан, 1,6 миллиардининг тирикчилик воситаларидан маҳрум бўлишга тўғридан-тўғри хавф солаётганлиги, пандемиянинг биринчи ойида норасмий иқтисодиётдаги ўртача даромад 60 % га пасайганлигининг ўзи дунё инқироз ёқасида турганлигини яққол кўрсатмоқда.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ҳам ушбу мураккаб вазиятда, соҳа мутахассислари томонидан карантин қоидаларига тўла риоя қилинган ҳолда, модернизация ишларини белгиланган режа асосида якунлаш жараёнида бор куч-ғайратини аямасдан, алоҳида жонбозлик кўрсатилмоқда. Соҳа мутахассисларининг жонқуярлиги, фидойилиги ҳамда самарали меҳнатлари натижасида юртимизнинг гидроэнергетика салоҳияти тобора юксалмоқда.

Мамлакатимиз гидроэнергетика соҳаси тараққиёти йўлида илмий-техник ҳамда илмий-амалий фаолиятни янада уйғунлаштириш, чуқур асослантирилган илмий-техник изланишлар ва тадқиқотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, илғор хорижий тажрибани

ўрганиш ва самарали ўзлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Жорий “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да бу борадаги кенг қамровли амалий фаолиятимизни янада кучайтиришимиз, илмий-техник йўналишда соҳага алоқадор олий таълим муассасалари, академиклар, профессор-ўқитувчилар, изланувчилар, тадқиқотчилар доираси вакиллари билан изчил ҳамкорликни янги даражада давом эттиришимиз лозим.

Мамлакатимизда COVID-19 пандемияси давом этаётган бўлса-да, халқ розилигига эришиш мақсадидаги бунёдкорлик ишлари бир зум тўхтагани йўқ. Бу борада, мамлакатимизда ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни рағбатлантириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини мамлакат иқтисодиётига кенг жорий этиш, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига электр энергияси ва нефть-газ маҳсулотларининг узлуксиз етказиб берилишини таъминлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилинганлиги муҳим аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида таъкидлаганидек, “Ҳозирги таҳликали ва мураккаб вазият Ер юзидида барча давлатлар ва халқлар ўзаро боғлиқ эканини, ўртаимизда мунтазам мулоқот, ишонч ва яқин ҳамкорлик ўта муҳимлигини исботлади”. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, мамлакатимиз раҳбарининг ушбу Қарори барқарор тараққиётнинг асосий омилларидан бири бўлган энергетика соҳасини янгича ёндашувлар билан ислоҳ қилишда муҳим қадам бўлди.

Шунингдек, жорий йилнинг 21 августида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Оқсу дарёсида Рабат ГЭС қурилиши, Оқсу дарёсида Чаппасуи ГЭС қурилиши ва Оқдарё-Оқсу дарёсида Тамшув ГЭС қурилиши” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни изчиллик билан қўпайтириш, иқтисодиёт тармоқлари ва республика аҳолисининг электр энергиясига бўлган талабини тўлақонли таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Юқоридаги муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар янгиланаётган Ўзбекистонда сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилиш бўйича кенг қўламли туб ислохотлар ортга қайтмайдиغان тус олганлигини яна бир бор тасдиқлайди. Замонавий Ўзбекистон тараққиёти йўлида бор куч ва имкониятларимизни сафарбар қиламиз.



Абдуғани САНГИНОВ,
“Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик
жамияти бошқаруви раиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни рағбатлантириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини мамлакат иқтисодиётига кенг жорий этиш, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига электр энергияси ва нефть-газ маҳсулотларининг узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки:

2020 йил 1 августдан ҳудудий электр тармоқлари корхоналари томонидан электр энергиясини янги ишга тушириладиган қуёш, шамол, биогаз электр станциялари, қуввати 1 МВт гача бўлган микро ва кичик гидроэлектрстанциялардан, шу жумладан ўз эҳтиёжлари учун ишлаб чиқарилган ортиқча электр энергиясини қафолатланган тарзда сотиб олиш бўйича тариф сотиш, тарқатиш ва етказиб бериш харажатларини чегириб ташлаган ҳолда II тариф гуруҳи истеъмолчилари даражасида белгиланади;

саноат қўламидаги (1 МВт ёки ундан ортиқ) қайта тикланувчи энергия манбалари (гидроэлектр станциялардан ташқари) соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун потенциал инвесторларни аниқлаш шаффоф аукцион (танлов) савдолари орқали амалга оширилади;

2020 йил 15 июлдан 31 декабргача 750 кВАгача бўлган қувватда уланган ҳамда қўшимча учинчи сменани ташкил этган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи истеъмолчилар (Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича) учун тунги давр — сутканинг қоронғи даврида (ягона электр энергетика тизимининг соат 22.00 дан 24.00 гача ва соат 00.00 дан 06.00 гача бўлган минимал юкламалар соатларида) фойдаланилган электр энергияси бўйича ҳисоб-китобларда белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда камайтириш коэффициенти қўлланилади;

юрдик шахслар томонидан табиий газ ва электр энергияси учун олдиндан тўлов киритиш тўғрисидаги мажбурий талабни 30 фоизгача камайтириш имконияти давлат корхоналари ва

устав капиталидаги давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга татбиқ этилмайди;

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ ва маҳаллий ҳокимият органлари билан биргаликда потенциал инвесторларни жалб қилиш масаласини ўрганиш учун ахборотни ўз расмий веб-сайтида жойлаштириш ҳамда фойдаланиш мумкин бўлган бошқа расмий усуллар ёрдамида тарқатиш, шу жумладан бизнес-тадбирларда иштирок этиш ва хорижда «road-show»лар ўтказиш орқали тизимли асосда, бироқ йилига камида бир маротаба белгиланган қуввати 1 МВт гача бўлган микро ва кичик гидроэлектр станциялар портфелини шакллантиради.

2. Қўйидагилар:

3,3 млрд кВт соат электр энергияси, 2,6 млрд м³ табиий газ ва 16,5 минг тонна нефть маҳсулотларини тежашни назарда тутувчи 2020 — 2022 йилларда иқтисодиёт тармоқларида ёқилғи-энергетика ресурсларини тежашнинг мақсадли параметрлари 1-иловага мувофиқ;

Иқтисодиёт тармоқларининг йирик энергия сарфловчи корхоналарида энергия самарадорлигини ошириш ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага мувофиқ;

Ёқилғи-энергетика ресурслари жами йиллик истеъмоли икки минг тоннадан ортиқ шартли ёқилғи ёки бир минг тоннадан ортиқ мотор ёқилғиси бўлган корхоналарни мажбурий энергетик текширувдан (энергия аудитидан) ўтказишнинг 2021-2022 йиллар даврига мўлжалланган жадвали 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирликлар, идоралар ва хўжалик ташкилотларининг биринчи раҳбарларига ушбу қарор билан тасдиқланган ёқилғи-энергетика ресурсларини тежашнинг мақсадли кўрсаткичлари ва мажбурий энергетик текширувлар ўтказиш жадвалини бажариш юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

3. «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармасини (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этиш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг тузилмасига киради ва давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади.

4. Қуйидагилар:

Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармасининг тузилмаси 4-иловага мувофиқ;

Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси Кузатув кенгашининг таркиби 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобига нефть-газ ва электр энергетикаси тармоқлари корхоналарининг соф фойдасидан 5 фоиз миқдоридаги ўтказмалар;

энергияни меъёрдан ортиқча истеъмол қилганлик учун корхоналарга қўлланиладиган оширилган тарифлардан тушумлар;

ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланишда аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича ундирилган иқтисодий санкциялар суммасининг 20 фоизи;

кредитлар бериш ва Жамғарманинг бошқа молиявий-ҳўжалик фаолиятдан олинган фойда;

халқаро молия институтларининг грантлари ва кредитлари ҳамда донор ташкилотлари маблағлари;

жамғарма активларини бошқариш, шу жумладан бўш маблағларни банк муассасаларида депозит сифатида жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

тузилган шартномага мувофиқ молиявий қўллаб-қувватлашдан олинган фойданинг бир қисми, бунда унинг суммаси кўрсатилган хизматлар суммасининг йигирма беш фоизидан ошмаслиги лозим;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

6. Белгилансинки, Жамғарма маблағлари:

бинолар ва кўп квартирали уйларда энергия самарадор технологиялар ва тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини жорий этган ҳолда уларнинг энергия самарадорлигини ошириш, шу жумладан иссиқлик ҳимоясини яхшилаш бўйича лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослаштирилиши тайёрлашни молиялаштириш, шунингдек энергия аудитини ўтказиш;

энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривож-

лантириш йўналишида мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув марказлари ташкил этиш (бино ва иншоотларни қуришдан ташқари) ва семинарлар ўтказиш;

қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмалари, иссиқлик насослари, рекуператорлар, реактив қувватни тикловчи қурилмалар (конденсатор батареялари), реле ҳимояси учун микропроцессор блоклари, частотали ўзгартргичлар ва бир текис ишга тушириш қурилмаларини ишлаб чиқариш бўйича стартап-лойиҳаларни молиялаштириш, ишлаб чиқариш корхоналарининг устав жамғармалари (капиталлари) ҳамда корхоналарнинг лойиҳаларини шакллантиришда иштирок этиш;

Жамғарманинг ижро этувчи дирекциясини таъминлаш, унинг ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, уларни моддий рағбатлантириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августдаги «Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4422-сон Қарорининг 6-бандида кўрсатилган тадбирларни ўтказиш;

ҳўжалик юритувчи субъектларда энергия аудити ўтказиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

шаҳар транспортининг ёқилғи-энергетика самарадорлигини яхшилаш, шунингдек, энергия харажатларини камайтириш учун транспорт оқимларини ахборот ва имитацион моделлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича инновацион тадбирларни ўтказишга йўналтирилади.

Энергетика вазирлиги бир ой муддатда бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низом лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Энергетика вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) бир ой муддатда қуйидагиларни назарда тутовчи ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларини энергетик текширувлардан ўтказиш қоидаларини қабул қилиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин:

энергетика текширувларини (энергия аудитини) ўтказишни рағбатлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

энергия аудиторини танлашнинг бозор механизми жорий этиш;

тарифларни тартибга солиш, шу жумладан энергия аудити якунларига кўра тавсияларни ба-
жармаган корхоналар учун энергияни меъёрдан
ортиқча истеъмол қилганлик учун оширилган
ставкаларни қўллашнинг самарали механизмини
яратиш;

б) икки ой муддатда 285 та йирик саноат кор-
хонасида энергия аудитини ўтказиш учун етакчи
компаниялар (маҳаллий ва халқаро) жалб қили-
нишини таъминласин ва ушбу корхоналар рўйха-
тини кенгайтириш масаласини кўриб чиқсин.

8. Энергия самарадорлигини ошириш бўйи-
ча ишларни ташкиллаштиришни жадаллашти-
риш, энергия тежайдиган технологиялар ва қай-
та тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий
этиш мақсадида икки ой муддатда:

а) Вазирлар Маҳкамаси:

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти тар-
моқларида ёқилғи-энергетика ресурсларининг
сарфланишини нормалаштириш тўғрисидаги
низомни;

Қайта тикланувчи энергия манбалари соҳа-
сида аукцион савдоларини ўтказиш регламентини;

б) Энергетика вазирлиги:

Қайта тикланувчи энергия манбаларида
ишлаб чиқарилган энергияни ва қайта тикланув-
чи энергия манбаларининг қурилмаларини ҳи-
собга олиш регламентини;

Қайта тикланувчи энергия манбаларнинг ки-
чик объектларидан электр энергиясини сотиб
олиш тўғрисидаги шартноманинг намунавий
шаклини;

Қайта тикланувчи энергия манбаларида
ишлаб чиқарилган энергия ва қайта тикланувчи
энергия манбаларининг қурилмаларини серти-
фикатлаштириш регламентини;

Саноат кўламидаги фотоэлектрик қуёш
электр станцияларини жойлаштириш регламен-
тини тасдиқласин.

9. Энергетика вазирлиги, Иқтисодий тараққи-
ёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги,
Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўми-
таси ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуни-
кацияларини ривожлантириш вазирлиги:

а) уч ой муддатда Энергетика вазирлигининг
қуйидагиларни назарда тутувчи автоматлашти-
рилган Ягона ахборот тизимини (кейинги ўрин-
ларда — Ягона ахборот тизими) яратиш бўйича
техник топшириқни ишлаб чиқсин:

йирик саноат корхоналари ва иқтисодиётнинг
бошқа тармоқларида ёқилғи-энергетика ресурслари
истеъмолини таҳлил қилиш ва прогноз-
лаштириш;

энергия ишлаб чиқарувчиларнинг (йирик ис-

теъмолчиларнинг) идентификация рақамини
онлайн-режимда бериш ва ишлаб чиқарилган
(истеъмол қилинган) энергия бўйича тегишли
ҳисоботларни электрон шаклда юборишнинг
соддалаштирилган механизми;

ишлаб чиқарилган (истеъмол қилинган) энер-
гияни ҳисобга олиш маълумотларини автоматик
тарзда йиғиш, тизимлаштириш ва таҳлил қи-
лиш, шунингдек, йирик саноат корхоналарининг
энергия самарадорлигини аниқлаш;

қайта тикланувчи энергетика соҳасида реверс
аукцион онлайн-савдоларини ўтказиш учун ҳи-
мояланган савдо майдончасини яратиш;

б) 2021 йил якунигача ишлаб чиқариш ҳажми
ва молиявий кўрсаткичларни ўз ичига олган за-
рур ахборотларнинг тармоқлараро электрон ал-
машувини назарда тутган ҳолда Ягона ахборот
tizимининг ишга туширилиши ва Электрон ҳу-
кумат билан интеграциялашувини таъминласин;

в) Ягона ахборот тизимидан олинган таҳлилий
маълумотлар асосида юқори энергия истеъмоли-
га эга корхоналарни мажбурий энергия аудити-
дан ўтказиш механизмини жорий этсин;

Ягона ахборот тизимини яратиш ва ишга ту-
шириш доирасида қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазир-
лиги буюртмачи этиб;

Жамғарма маблағлари, халқаро молия ин-
ститутлари ва бошқа хорижий донорларнинг
грантлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан
тақиқланмаган бошқа маблағлар молиялашти-
риш манбалари этиб белгилансин.

10. Энергетика вазирлиги Қурилиш вазирли-
ги, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққи-
ёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги би-
лан биргаликда:

уч ой муддатда намунавий уйлар ва ижтимо-
ий объектларда иссиқлик ва электр энергиясини
ишлаб чиқариш бўйича қуёш тизимларини ўр-
натиш, шунингдек, жамоат биноларида энергия
самарадорлигини ошириш бўйича мақсадли дас-
турни ишлаб чиқсин;

жорий йилнинг 1 августидан кўп қаватли уй-
ларни қуриш ва лойиҳалаштириш доирасида
замонавий энергия тежайдиган материаллар,
энергия самарадор технологияларни қўллаш
ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларидан
фойдаланиш бўйича назорат қилиш тизимини
жорий этсин. Шаҳарларда кўп қаватли тижорат
уйларини қуришда мазкур талаблар мажбурий
равишда қўллансин.

11. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазир-
лиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни
қисқартириш вазирлиги, Энергетика вазирлиги,
Қурилиш вазирлиги маҳаллий ҳокимият орган-
лари ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан бир-

ғалиқда икки ой муддатда қуйидагилар бўйича мақсадли дастурни тасдиқлашни назарда тутувчи қарор лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

2020 — 2022 йилларда республиканинг барча ҳудудларида биноларнинг иссиқлик ҳимоясини ошириш, энергия тежайдиган технологиялар, шунингдек, қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини жорий этиш ҳисобига кўп қаватли турар-жойларда иситиш ва совутиш эҳтиёжлари учун энергия истеъмолини пасайтириш;

табiiй газ истеъмолини пасайтириш мақсадида республикадаги қозонхоналарда сув иситиш учун энергия самарадор қуёш тизимларини ўрнатиш.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги мақсадли дастурларни амалга ошириш учун зарур маблағларнинг ҳисоб-китоблари тақдим этилишига қараб халқаро молия институтлари ва чет эл ҳукумат молия ташкилотларининг имтиёзли кредит ресурслари, хорижий донорларнинг техник кўмак воситалари (грантларини) жалб қилинишини белгиланган тартибда таъминлансин.

12. Бош вазир ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ва Энергетика вазирлиги (Султанов):

а) Молия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда жаҳон бозорида нархларнинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда нефть-газ ва электр энергетикаси соҳаси корхоналари ўртасидаги ўзаро харид нархлари ва даромад тақсимоти схемасини қайта кўриб чиқсин;

б) Қурилиш вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда, илғор жаҳон тажрибаси асосида энергияни тежаш ва энергия самарадорлик соҳасидаги қонун ҳужжатларини хатловдан ўтказсин ва 2020 йил 1 ноябргача:

қайта тикланувчи энергия манбаларининг энергия самарадорлиги соҳасини жадал ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитларни яратувчи механизмлар;

иқтисодиёт тармоқлари, бино ва иншоотлар, шунингдек, ижтимоий соҳада энергия тежамкорлиги ва энергия самарадорлигини таъминлаш нормаларини белгиловчи «Энергия тежамкорлиги ва энергия самарадорлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Белгилансинки, иқтисодиёт тармоқларининг энергия самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш, шунингдек, иқлим ўз-

гаришининг оқибатларига мослашиш ва уларни юмшатиш, табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва табиий экотизимларни муҳофаза қилиш бўйича барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан давлат ривожлантириш дастурлари ва инвестиция дастурлари лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан мажбурий равишда келишилиши лозим.

14. Иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини қисқартириш бўйича вазифаларни самарали мувофиқлаштириш ва бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Саноат ва унинг базавий тармоқларини ҳамда кооперация алоқаларини ривожлантириш масалалари департаменти тузилмасига энергия самарадорлиги ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича бош мутахассиснинг битта қўшимча штат бирлиги киритилсин.

15. Энергетика вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. Мирзиёев

Тошкент ш.,
2020 йил 10 июль,
ПҚ-4779-сон

*Иловалар билан lex.uz, norma.uz сайтлари орқали
батафсил танишиш мумкин.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

«Оқсу дарёсида рабат ГЭС қурилиши, Оқсу дарёсида Чаппасуй ГЭС қурилиши ва Оқдарё-Оқсу дарёсида Тамшуш ГЭС қурилиши» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги 2017 йил 2 майдаги ПҚ-2947-сон, «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ-4067-сон ва «Ўзбекистон Республикасининг 2020 — 2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил 9 январдаги ПҚ-4563-сон қарорларини ижро этиш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни изчиллик билан кўпайтириш, иқтисодиёт тармоқлари ва республика аҳолисининг электр энергиясига бўлган талабини тўлақонли таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

2019 йил 30 сентябрда Осиё тараққиёт банки (кейинги ўринларда — ОТБ) директорлар кенгаши томонидан «Барқарор гидроэнергетика» («Оқсу дарёсида Рабат ГЭС қурилиши, Оқсу дарёсида Чаппасуй ГЭС қурилиши ва Оқдарё-Оқсу дарёсида Тамшуш ГЭС қурилиши») инвестиция лойиҳасини (кейинги ўринларда — инвестиция лойиҳаси) амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасига ОТБнинг одагий капитал манбаларидан 25 йил муддатга, шу жумладан 5 йиллик имтиёзли давр билан 60,0 млн АҚШ доллари миқдорида кредит ажратиш маъқулланганлиги;

инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асослануви Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 июлдаги «Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3857-сон қарорида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигида белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар 2020 — 2022 йилларда амалга ошириладиган умумий қиймати 75,3 млн АҚШ

долларига тенг инвестиция лойиҳасини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

60,0 млн АҚШ доллари — ОТБ томонидан ажратиладиган кредит;

5,8 млн АҚШ доллари — Ўзбекистон Республикасининг солиқ ва божхона имтиёзлари кўринишидаги улуши;

9,5 млн АҚШ доллари — «Ўзбекгидроэнерго» АЖнинг ўз маблағлари.

3. Қуйидагилар:

«Оқсу дарёсида Рабат ГЭС қурилиши, Оқсу дарёсида Чаппасуй ГЭС қурилиши ва Оқдарё-Оқсу дарёсида Тамшуш ГЭС қурилиши» инвестиция лойиҳаси техник-иқтисодий асосланувининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

«Оқсу дарёсида Рабат ГЭС қурилиши, Оқсу дарёсида Чаппасуй ГЭС қурилиши ва Оқдарё-Оқсу дарёсида Тамшуш ГЭС қурилиши» инвестиция лойиҳаси доирасида жалб этиладиган ОТБ кредити бўйича асосий қарзни сўндириш, фоиз ва воситачилик тўловларини тўлашнинг прогноз жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси номидан ОТБ билан қарз битимини ҳамда «Ўзбекгидроэнерго» АЖ билан қайта молиялаштириш битимини имзолаш ваколати берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси ва ОТБ ўртасида имзоланадиган қарз битими, шунингдек, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ ўртасида имзоланадиган қайта молиялаштириш битими бўйича белгиланган тартибда юридик хулоса берсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

«Ўзбекгидроэнерго» АЖ лойиҳа ташаббускори, қарз олувчи ва инвестиция лойиҳасининг 2020 — 2022 йиллар давомида самарали амалга оширилиши ва қарздан мақсадли фойдаланилиши учун масъул ҳисобланади;

қарзни қайтариш ва қарзга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар «Ўзбекгидроэнерго» АЖнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

«Ўзбекгидроэнерго» АЖнинг «1-сон қури-

лиш дирекцияси» унитар корхонаси инвестиция лойиҳасининг буюртмачиси ва ижро этувчи ташкилоти ҳисобланади, лойиҳа ечимларини иншоотларнинг ишончилилик ва хавфсиз эксплуатация қилинишига доир талабларга мувофиқлиги нуқтаи назаридан тўғри танлаш ва қўллаш, инвестиция лойиҳаси бўйича ускуналар, маҳсулотлар, ишлар ва хизматларни кузатиш ва техник назорат ҳамда қабул қилиб олиш учун масъул ҳисобланади.

7. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги инвестиция лойиҳаси доирасида гидроэлектрстанцияларни ва юқори кучланишли электр узатиш тармоқларини қуриш учун ўз вақтида ер участкалари ажратилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва-

зирлиги инвестиция лойиҳаси доирасида қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши бўйича давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири А.С. Султанов ва «Ўзбекгидроэнерго» АЖ бошқаруви раиси А.А. Сангинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. Арипов

Тошкент ш.,
2020 йил 21 август,
497-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 21 августдаги
497-сон қарорига
1-ИЛОВА

«Оқсу дарёсида Рабат ГЭС қурилиши, Оқсу дарёсида Чаппасуй ГЭС қурилиши ва Оқдарё-Оқсу дарёсида Тамшув ГЭС қурилиши» инвестиция лойиҳаси техник-иқтисодий асосланувининг асосий
техник-иқтисодий
КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	Компонентнинг номланиши	Ўлчов бирлиги	Жами	Молиялаштириш манбалари		
				ОТБ кредити	Ўзбекистон Республика- сининг солиқ ва божхона имтиёзлари қўрилишида- ги улushi*	«Ўзбекгид- роэнерго» АЖ маблағи
1.	Лойиҳанинг умумий қиймати	минг АҚШ долл	75300,0	60000,0	5800,0	9500,0
2.	Жами капитал қўйилмалар суммаси, шу жумладан:	минг АҚШ долл	69500,0	60000,0	-	9500,0
2.1.	машина ва ускуналар	минг АҚШ долл	23600,0	23600,0	-	-
2.2.	қурилиш-монтаж ишлари	минг АҚШ долл	21300,0	21300,0	-	-
2.3.	юқори кучланиш тармоғи	минг АҚШ долл	9000,0	9000,0	-	-
2.4.	лоийҳани бошқариш ва салоҳиятини ошириш	минг АҚШ долл	5000,0	2000,0	-	3000,0
2.5.	қўзда тутилмаган харажатлар	минг АҚШ долл	4700,0	2800,0	-	1900,0
2.6.	инвестиция даври молиявий харажатлари	минг АҚШ долл	3600,0	-	-	3600,0
2.7.	бошқа харажатлар, шундан:	минг АҚШ долл	2300,0	1300,0	-	1000,0
2.7.1.	лоийҳа олди харажатлари	минг АҚШ долл	1300,0	1300,0	-	-
2.7.2.	аҳолини кўчириш харажатлари	минг АҚШ долл	1000,0	-	-	1000,0
3.	Солиқ ва божхона имтиёзлари	минг АҚШ долл	5800,0	-	5800,0	-
4.	Лойиҳа бўйича ишга тушириладиган қувват	Жами — 24 МВт, шу жумладан: Рабат ГЭС — 6,2 МВт, Чаппасуй ГЭС — 7,5 МВт, Тамшув ГЭС — 10,3 МВт				
5.	Лойиҳани амалга ошириш муддати	2020 — 2022 йиллар				

Изоҳ. Қўшилган қиймат солиғи ва божхона имтиёзлари

Иловалар билан lex.uz, porta.uz сайтлари орқали батафсил танишиш мумкин.

Янги ГЭСларни қуриш борасида Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорлик

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 майдаги “2017-2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги 2947-сон ҳамда 2020 йил 9 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-497-сон қарорларини ижро этиш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни изчиллик билан қўпайтириш, иқтисодиёт тармоқлари ва республика аҳолисининг электр энергиясига бўлган талабини тўлақонли таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ва Осиё тараққиёт банки ўртасида “Барқарор гидроэнергетика” лойиҳаси доирасида Оқсу дарёсида Рабат ГЭС қурилиши, Оқсу дарёсида Чаппасуй ГЭС қурилиши ва Оқдарё-Оқсу дарёсида Тамшуш ГЭС қурилиши лойиҳаларини молиялаштириш учун 25 йил муддатга 60,0 млн АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилиши бўйича заём келишуви имзоланди.

Ушбу ҳамкорлик доирасида “Ўзбекгидроэнерго” АЖ Бошқаруви раиси Абдуғани Сангинов ва Осиё тараққиёт банкининг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси раҳбари Синтия Малвичени ўртасида лойиҳа келишувлари имзоланди.

Мазкур ГЭСлар қурилишига жалб этилган кредит маблағлари лойиҳалар доирасида Осиё тараққиёт банки ҳамкорлигида тендер савдолари асосида танлаб олинган бош пудратчи молиялаштирилади.

Оқсу дарёсида Рабат ГЭС қурилиши, Оқсу дарёсида Чаппасуй ГЭС қурилиши ва Оқдарё-Оқсу дарёсида Тамшуш ГЭС қурилиши инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асослануви “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 июлдаги “Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3857-сон Қарорида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигида белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилган.

Умумий қиймати 60,0 млн АҚШ долларига тенг Оқсу дарёсида Рабат ГЭС қурилиши, Оқсу дарёсида Чаппасуй ГЭС қурилиши ва Оқдарё-Оқсу дарёсида Тамшуш ГЭС қурилиши инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асосномасига мувофиқ, қурилиш ва монтаж ишлари учун жалб қилинаётган кредитнинг 21,6 млн АҚШ доллари, машина ва ускуналари учун 23,6 млн АҚШ долларига тенг қисмидан фойдаланилади. Кредитнинг қолган маблағлари лойиҳани бошқариш ва салоҳиятини ошириш, лойиҳа олди харажатлари ҳамда юқори кучланиш тармоғи учун фойдаланилади.

Ушбу янги ГЭСларни 2022 йилда фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Янги ГЭСларнинг умумий ўрнатилган қуввати 24 МВтни ташкил этади: Рабат ГЭС – 6,2 МВт, Чаппасуй ГЭС – 7,5 МВт, Тамшуш ГЭС – 10,3 МВт.

Мазкур лойиҳаларни амалга оширилиши натижасида 97,5 млн. кВт.соат арзон ва экологик соф электр энергия ишлаб чиқарилиши ҳамда янги ГЭСларда 40 дан ортиқ янги иш ўринлари яратиш, мамлакат энергетика балансида гидроэнергетика улушининг ўсиши ва ёқилғи ресурсларини тежаш, тобора ошиб бораётган электр энергияга бўлган талабни қондириш имконини беради.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан замонавий технологияларга асосланган “Лойиҳалар фабрикаси” механизмининг жорий қилган ҳолда янгидан-янги лойиҳаларни узлуксиз ишлаб чиқарилиб, бу борадаги қўламли ишлар Инвестиция дастури доирасида амалга оширилмоқда.

Шу ўринда, Жамият томонидан жорий йилда “Лойиҳалар фабрикаси” бўйича дастлабки умумий қиймати 1,57 млрд. долларга тенг, қуввати 907,5 МВт бўлган 23 та инвестиция лойиҳаси тайёрланмоқда, шундан қиймати 1,37 млрд. долларлик 14 та лойиҳа доирасида 637,25 МВт янги қувватлар яратилади ва қиймати 190 млн. долларлик 9 та лойиҳа доирасида 270,3 МВт қувватлар модернизация қилинади.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖ мамлакатимизда эълон қилинган карантин даврида ҳам белгиланган талабларга тўлиқ амал қилган ҳолда аҳолига узлуксиз арзон электр энергиясини етказиб бериш борасидаги фаолиятини жадаллик билан олиб бориб, шу йилнинг ўтган 9 ойи давомида, умумий қуввати 22,4 МВт бўлган Шаҳрихон ГЭСлар каскади Жанубий Фарғона канали ГЭС-2 ва Қодирия ГЭСлар каскади ГЭС-3 нинг модернизацияси лойиҳаларини якунлаб, фойдаланишга топширди.

Йил якунига қадар қуввати 95,9 МВт га тенг қўшимча 4 та лойиҳа, яъни Қамчиқ ГЭС ва Зарчоб кичик ГЭСлар каскади ГЭС-1 қурилиши ҳамда Тошкент ГЭСлар каскади ГЭС-9 ва Қуйи-Бўзсув ГЭСлар каскади ГЭС-14 модернизациясини якунлашга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, йил давомида фойдаланишга топширилган лойиҳалар сони 6 тага, қўшимча қувватлар ҳажми 118,3 МВт га ва яратилган янги иш ўринлари сони 100 тага етказилади.

Ушбу ҳамкорлик мамлакатимизда гидроэнергетика соҳасини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиши билан бир қаторда, халқаро молия институтларининг амалга оширилаётган ислохотлардаги иштироки ва ушбу ислохотларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

СП ООО «Energoresurs»: достойный выбор для сотрудничества

Хулкар ЖУРАЕВА, Ответственный редактор
научно-технического журнала «Узбекгидроэнергетика»

СП ООО «ENERGORESURS» осуществляет свою деятельность на рынке Узбекистана с 1993 года и имеет большой опыт сотрудничества по комплексной поставке и монтажу высокотехнологического оборудования в энергетической, нефтегазовой, железнодорожной, химической и других отраслях промышленности.

Компания является официальным дилером ведущих заводов-изготовителей высокотехнологического и промышленного энергетического оборудования Российской Федерации.

Одним из основных направлений деятельности СП ООО «ENERGORESURS» является своевременное техническое перевооружение, ремонт и модернизация энергетического оборудования, услуги по поставке технологического оборудования и запасных частей для капитального ремонта, а также техническое обслуживание тепловых и гидроэлектростанций.

В сотрудничестве с ведущими производственными предприятиями Российской Федерации и Европы, СП ООО «ENERGORESURS» оказывает услуги по сервисному обслуживанию поставленного оборудования, как во время гарантийного срока эксплуатации, так и в послегарантийный период, услуги по шефмонтажу и обучению персонала предприятий работе с поставленным оборудованием.

Сегодня, в эпоху активного развития научно-потенциала страны, гидроэнергетическая отрасль, в лице АО «Узбекгидроэнерго», приобретает качественно новое значение для народного хозяйства, являясь инициатором создания новых экологически чистых генерирующих мощностей,



осуществления технического и технологического перевооружения существующих гидроэлектростанций, широкого привлечения в развитие гидроэнергетики иностранных инвестиций.

Необходимо отметить, что в текущем году АО «Узбекгидроэнерго», в рамках реализации Инициативы «Фабрика проектов» ведется работа по продвижению 23 инвестиционных проектов, общая сумма финансирования которых составляет 1,57 млрд.долл.США, суммарная мощность производства электроэнергии – составит 907,5 МВт.

Из них, 14 инвестиционных проектов предусматривают создание новых производственных мощностей в объеме 637,25 МВт с объемом финансирования 1,37 млрд. долл. США, 190 млн. долл. США будут направлены на модернизацию действующих производственных мощностей электроэнергии в 270,3 МВт.

В ходе реализации указанной Инициативы, в 2018-2019 гг. проведена модернизация ГЭС ЮФК-1 каскада Шахриханских ГЭС, основной целью которой является увеличение генерирующей мощности гидроэлектростанции, обеспечение надежной работы электрического, гидромеханического и гидросилового оборудования.

СП ООО «ENERGORESURS» определенно победителем международного тендера по выбору Генерального подрядчика, с которым заключен контракт на сумму 5,46 млн. долл. США.

В рамках модернизации со стороны СП ООО «ENERGORESURS» выполнено проектирование, поставка оборудования, монтаж, наладка и ввод в эксплуатацию основного гидросилового оборудования и вспомогательных систем, гидромеханического оборудования, строительство нового ОРУ - 35 кВ, выполнено благоустройство территории ГЭС.

ГЭС ЮФК-1 введена в эксплуатацию в августе 2019 года, с момента ввода в эксплуатацию все оборудование ГЭС работает без замечаний.

Также, в своем интервью генеральный директор СП ООО «ENERGORESURS» Цой Владимир Игоревич отметил следующее: «Указом Президента Республики Узбекистан от 18.05.2017г. №УП-5044 образовано АО «Узбекгидроэнерго», перед которым определены колоссальные за-



дачи по освоению гидроэнергетического потенциала и обеспечению увеличения доли гидроэнергетики в структуре энергетического баланса республики, стабильному и качественному энергообеспечению отраслей экономики и населения.

И с этого момента началось и по сегодняшний день продолжается сотрудничество СП ООО «ENERGORESURS» с АО «Узбекгидроэнерго» по совместной реализации поставленных Руководством страны задач по модернизации существующих ГЭС и строительству новых мощностей. Все проекты, как стратегически важные, включены в государственные инвестиционные программы.

Мы надеемся, что наше сотрудничество достигло нового уровня развития партнерства в сфере совместной реализации инвестиционных проектов на условиях взаимодоверия. Что, в свою очередь, заложит основу для новых проектов».

Практическое сотрудничество с СП ООО «ENERGORESURS» осуществляется также в работе по модернизации Фархадской ГЭС, которая является одной из крупнейших электростанций страны.

Необходимо отметить, что Фархадская ГЭС сдана в эксплуатацию в феврале 1948 г. с установленной мощностью в 126 МВт. С этой даты по сегодняшний день ГЭС произведено около 42,9



млрд. кВт.ч электроэнергии, средняя годовая производительность электроэнергии составляет 473,5 млн.кВт.ч.

В последние годы, то есть в 2016г. данная ГЭС произвела 304,8 млн. кВт.ч, в 2017 г. 486,1 млн. кВт.ч, в 2018 г. 362,9 млн. кВт.ч электроэнергии. С 2019 г. на ГЭС производятся работы по ее модернизации.

За годы непрерывной работы производственные мощности Фархадской ГЭС значительно снизились, гидроагрегаты работают не на полную мощность.

С учетом текущей ситуации на ГЭС, во исполнение Постановления Президента Республики Узбекистан от 2 мая 2017 г. ПП-2947 «О программе мер по дальнейшему развитию гидроэнергетики на 2017 — 2021 годы», направленного на последовательное увеличения использования возобновляемых источников энергии, создания на этой основе новых экологически чистых генерирующих мощностей, обеспечения технического и технологического перевооружения существующих гидроэлектростанций на базе использования современных технологий, эффективного управления водными ресурсами с учетом интенсивного освоения передового международного опыта, а также повышения сбалансированности энергетических ресурсов и обеспечения на этой основе наиболее полного удовлетворения потребности предприятий и населения в электрической энергии, и реализации Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18 октября 2018 г. №827 «О мерах по реализации инвестиционного проекта «Модернизация УП «Фархадская ГЭС» в городе Ширин Сырдарьинской области» проводится поэтапная модернизация и переоборудование Фархадской ГЭС.

Модернизация ГЭС проводится совместно с одной из крупнейших гидроэнергетических компаний Российской Федерации – АО «Силовые машины», при этом, поставка вспомогательного оборудования, его монтаж, а также монтаж основного гидросилового оборудования и приспособлений ГЭС и строительные работы осуществляются опытными специалистами СП ООО «ENERGORESURS».

Несомненно, сотрудничество с СП ООО «ENERGORESURS» в строительстве новых и модернизации действующих гидроэлектростанций является важным фактором развития гидроэнергетики и вносит достойный вклад в экономическое развитие нашей страны.

Совершенствование параметров буровзрывных работ при проходке вертикальной шахты второго яруса СЭВ на Пскемской ГЭС

Кахрамон ФАТИЛЛАЕВ, Генеральный директор АО «Гидромахсускурилиш»

Шарифжон МАКСУДОВ, магистрант ТГТУ имени Ислама Каримова,

Инженер по БВР АО «Гидромахсускурилиш»,


Хасан КУРБАНОВ, магистрант ТГТУ имени Ислама Каримова, Маркшейдер АО «Гидромахсускурилиш»

Проходка вертикальных горных выработок считается одним из сложных, продолжительных, дорогостоящих и трудоемким процессом. Строительство вертикальной шахты Пскемской ГЭС глубиной 38 м. началось в середине 2020 года. К настоящему времени АО «Гидромахсускурилиш» активно ведет проходку шахты строительно-эксплуатационного водосброса второго яруса. Гидростроителям осталось пройти и закрепить менее 18 м. После завершения работ вода будет поступать подводящему тракту через СЭВ 1 яруса, а по ним на гидроагрегаты.

Цель работы: Совершенствование технологии строительства вертикальной шахты буровзрывным способом параллельно армированием для повышения технико-экономической эффективности строительства.

На сегодняшний день существует большое количество методик определения параметров буровзрывных работ (БВР) при проходке горных выработок [1-8]. Данные методики имеют более или менее сложные схемы расчёта и нередко демонстрируют совершенно разные результаты.

Буровзрывные работы в вертикальных выработках должны обеспечить точно соответствующую проекту форму и размеры поперечного сечения ствола, равномерное дробление породы на Строительном объекте Пскемская ГЭС на реке Пскем вертикальную шахту СЭВ 2 яруса проходят с применением буровзрывной технологии.



На эффективность производства значительное влияние оказывает оптимизация и интенсивность буровзрывных работ. Расчёт рациональных параметров буровзрывных работ при проходке выработок является одним из наиболее сложных вопросов в современном горном деле [9].

К числу основных факторов, существенно влияющих на эффективность БВР, можно отнести глубину шпуров, коэффициент крепости пород, вязкость, трещиноватость, тип применяемого ВВ и скорость детонации, качество и длина забойки. При оптимально подобранных величинах можно достичь наиболее успешного варианта взрывных работ с точки зрения минимального объёма бурения, расхода ВВ и увеличения КИШ без снижения качества оконтуривания выработки и дробления отбиваемой горной массы. [10].

Проходка данной выработки осуществляется по ППР выполняемому ООО «Tonnelmaxsusloyiha». Применяемая технология БВР представлен на рисунке 1. и в таблицах 1 и 2.




Схема расположения шпуровых зарядов




Таблица 1.

Параметры шпуровых зарядов

№ шпуров	Наименование шпуров	Кол-во, шт.	Угол наклона шпуров, градусы	Глубина шпура, м	Масса заряда в шпуре, кг	Длина зарядов в шпуре, м	Длина забойки, м	Масса заряда на I ступень замедления, кг	Очередность взрывания	Время замедления м/с	Тип ЗД
1-8	Врубовые	8	72	1,2	0,6	0,75	0,45	4,8	I	0,0	ЗД-8Ж
9-17	Вспомогательные	9	80	1,2	0,6	0,75	0,45	5,4	II	25	ЗДКЗ
18-33	Отбойные	16	90	1,2	0,6	0,75	0,45	9,6	III	50	ЗДКЗ
34-56	Отбойные	23	90	1,2	0,6	0,75	0,45	13,8	IV	75	ЗДКЗ
57-102	Контурные	46	79	1,2	0,4	0,70	0,50	18,4	V	100	ЗДКЗ
	Итого	102						52,0			



Рис.2. Результаты взрывных работ.

Технология буровзрывных работ предложенный по ППР после взрыва не удовлетворила инженеров АО «Гидромахсускурилиш» из за переборов после взрыва, по этому Главным инженером организации Шариповом Р.М. было предложено произвести опытные взрывы и выбрать оптимальный вариант.

Инженерами АО «Гидромахсускурилиш» был выполнен расчет. Наибольшее распространение для расчёта параметров БВР при проходке горных выработок получила методика, предложенная Н.М. Покровским [1]. В целях совершенствования параметров БВР при проходке применяем данную методику.

Профессор Н.М.Покровский рекомендует определять расход ВВ по следующей формуле

$$q=q_1 \times v \times e \times f_c, \text{ кг/м}^3 \quad (1)$$

где $q_1 \approx 0,1f$, нормальный расход ВВ в зависимости от свойств пород, кг/м^3 ; $f_c=1,4$ -коэффициент учитывающий влияние структуры породы и определяемый опытным путем; $e=1$ -работоспособность принятого ВВ.

v -коэффициент, учитывающий площадь поперечного сечения выработки и число обнаженных

Таблица 2.

Технические показатели взрывов

п/н	Наименования показателя	Ед.изм.	Кол-во
1.	Категория по СНиП	-	6 гр
2.	Сечения забоя	м^2	49.02
3.	Глубина шпура	м	1.20
4.	Длина заходки	м	1.00
5.	Объем заходки	м^3	49.02
6.	Коэффициент использов. шпуров	-	0.83
7.	Количество шпуров	шт	102
8.	Количество ВВ	кг	52.0
9.	Объем бурения	м	122.4
10.	Количество ЗД	шт	102
11.	Удельный расход ВВ	кг/м^3	1.06
12.	Удельный расход бурения	м/м^3	2.50
13.	Выход породы на 1 м шпура	м/уд.р.бур.	0.40
14.	Удельный расход ЗД	шт/м^3	2.08
15.	Число ступеней замедления	серия	V
16.	Максимальная масса зарядов на 1 ступень замедления	кг	18.4
17.	Тип ВВ	Аннамит №6 ЖВ патронированный	

Таблица 3.

Параметры шпуров зарядов

№ шпуров	Наименование шпуров	Кол-во, шт.	Угол наклона шпуров, градусы	Глубина шпура, м	Масса заряда в шпуре, кг	Длина зарядов в шпуре, м	Длина забойки, м	Масса заряда на I ступень замедления, кг	Очередность взрывания	Время замедления м/с	Тип зд
1-6	Врубовые	6	72	1,2	0,75	0,75	0,45	4,5	I	0,0	ЗД-8Ж
7-18	Вспомогательные	12	80	1,2	0,5	0,50	0,70	6,0	II	25	ЗДКЗ
19-36	Отбойные	18	90	1,2	0,5	0,50	0,70	9,0	III	50	ЗДКЗ
37-60	Контурные	21	79	1,2	0,5	0,50	0,70	12,0	IV	75	ЗДКЗ
	Итого	60						31,5			

поверхностей, или коэффициент зажима.

Коэффициент зажима ν при одной обнаженной поверхности забоя можно определить по следующей формуле П.Я.Таранова.

$$\nu = \frac{6,5}{\sqrt{S}} \quad (2)$$

Таблица 4.

Технические показатели взрывов

п/н	Наименования показателя	Ед.изм.	Кол-во
1.	Категория по СНиП	-	6 гр
2.	Сечения забоя	м ²	49.02
3.	Глубина шпура	м	1.20
4.	Длина заходки	м	1.00
5.	Объем заходки	м ³	49.02
6.	Коэффициент использов. шпуров	-	0.83
7.	Количество шпуров	шт	60
8.	Количество ВВ	кг	31.5
9.	Объем бурения	м	72.0
10.	Количество ЗД	шт	2
11.	Неэлектрическое средство инициирования (Rionel LP)	шт	60
12.	Удельный расход ВВ	кг/м ³	0.64
13.	Удельный расход бурения	м/м ³	1.47
14.	Выход породы на 1 м шпура	1м/уд.р.бур.	0.68
15.	Удельный расход ЗД	шт/м ³	1.22
16.	Число ступеней замедления	серия	V
17.	Максимальная масса зарядов на 1 ступень замедления	кг	17.0
18.	Тип ВВ	Аннамит №6 ЖВ-250 патронированный	



Число шпуров в забоях всех выработок можно определять по следующей формуле (СНиП III-11-77).

$$N=1,27qS\eta/(\Delta d^2 K_3) \quad (3)$$


где: η -коэф. использования шпуров, Δ -плотность ВВ кг/м³, d -диаметр патрона, м, K_3 -коэф. за-полнения шпура.

По этим расчетам общее количество шпуров на одну проходку составляет 60 шт. Окончательное число шпуров принимается по расположению их в забое. Шпуры располагаются из соотношения по четырем концентрическим окружностям. Число шпуров, размещенных на каждой из этих окружностей принимается из соотношения 1:2:3:4.

Отношение диаметра окружностей к диаметру ствола в чернее принимается из следующего соотношения 0,3:0,6:0,7:0,95. Вруб-усеченный конус.

Выполненные расчеты показали, что причиной переборков при проходке является существующая технология ведения буровзрывных работ. Из за большого количества ВВ концентрация

Схема расположения шпуровых зарядов



избыточной энергии в шпурах вызывает дополнительные переборы в стволах до закрепления анкерами. Согласно по данным расчетам составлен паспорт БВР и проведено несколько опытных взрывов. Результаты, которых приведены на рис. 3 и в табл. 3,4.



Рис.4. Результаты опытных взрывных работ.

Результаты опытных взрывных работ показали следующие технико-экономические показатели (табл. 5):

Таблица 5.

Сравнение технико-экономических показателей

№	Название показателя	По ППР паспорта БВР	Результаты опытных взрываний
1.	Количество шпуров на цикл, шт.	102	60
2.	Расход ВВ на цикл, кг	52	31
3.	Объем бурения, м	122,4	72
4.	Расход ЭД, шт	102	60
5.	Удельный расход ВВ, кг/м ³	1,06	0,64
6.	Удельный расход бурения, м/м ³	2,5	1,47
7.	Выход породы с 1 пог.м. шпура, м ³	0,68	0,4
8.	Удельный расход ЭД, шт/м ³	2,08	1,22

Выводы

Совершенствование существующих и создание новых методик определения рациональных параметров буровзрывных работ, использование которых позволит снизить затраты на проведение подземных выработок за счёт улучшения качества взрываеваемого массива, являются одним из главных направлений повышения эффективности горно-проходческих работ.

В результате выполненных опытных работ было достигнуто следующие:

Уменьшено время бурение и заряда шпуров на 2 раза.

Экономия взрывчатых веществ и средства инициирования на 40 %.

Улучшено качество проходческих работ.

Удешевлено проходческие работы.

Список использованной литературы:

1. Покровский Н. М. Технология строительства подземных сооружений и шахт. Часть 1. Технология сооружения горизонтальных горных выработок и тоннелей / Покровский Н. М. – 6-е изд. Москва: Недра, 1977. – 400 с.

2. Шетлер Г. А. Альбом по буровзрывным работам / Г. А. Шетлер, Фейгин Л. М., Зинченко Е. М. – Москва: Углетехиздат, 1953. – 93 с.

3. Друкованный М.Ф., Дубнов Л.В., Миндели Э. О., Иванов К. И., Ильин В. И. Справочник по буровзрывным работам. –Москва: Недра, 1976.

4. Кутузов Б.Н., Валухин Ю.К., Давыдов С. А. и др. Проектирование взрывных работ. – Москва: Недра, 1974. – 328 с.

5. Рогинский В. М. Технология, экономика и управление строительством горных выработок в крепких породах. – Москва: Недра, 1993. – 304 с.

6. Ерофеев И. Е. Повышение эффективности буровзрывных работ на рудниках. – Москва: Недра, 1988. – 272 с.

7. Таранов П. Я.. Буровзрывные работы. 2-е изд. – Москва: Недра, 1964. – 256.

8. Мангуш С. К., Фисуп А. П. Справочник по буровзрывным работам на подземных горных разработках. – Москва, 2003. – 344 с.

9. Вохмин С.А., Курчин Г.С., Кирсанов А.К. Процесс разрушения породы при взрыве заряда взрывчатого вещества. Вестник ЗабГУ. –№ 126. – 2015 г.

10. Барон Л. И., Демидюк Г. П., Лидин Г. Д. и др. Горное дело. Терминологический словарь. 3-е изд., перераб. и доп. – Москва : Недра, 1981. – 479 с.

Перспективы развития гидроэнергетики реки Туполанг в Сурхандарьинской области

Сафар ХАЛМУМИНОВ, кандидат технических наук,
технический директор АО «Гидропроект»,

Севара ШУКУРОВА, начальник отдела контроля и исполнительской дисциплины АО «Гидропроект»,

Эльёр ИРГАШЕВ, заместитель технического директора по инновации и проектированию
АО «Гидропроект».

Аннотация

В статье рассматриваются перспективы развития гидроэнергетики р. Туполанг в Сурхандарьинской области с учетом географического расположения и климатических условий.

Ключевые слова: река, гидроэлектростанция, энергия, водохранилище, гидротехническое сооружение, течение.

Гидроэнергетические ресурсы значимы тем, что являются естественным и возобновляемым источником энергии. ГЭС позволяют стабильно производить электроэнергию без вреда экологии и поставлять ее для нужд промышленности и коммунальной сферы, сельского хозяйства и населения.

В нашей стране имеется большой потенциал для развития гидроэнергетики. Эффективное использование этих возможностей и наращивание энергогенерирующих мощностей стали одним из важных направлений развития экономики.

Группой специалистов АО «Гидропроект» было произведено комплексное рекогносцировочное обследование рек Сурхандарьинской области. От города Термеза была обследована вверх на север долина р. Сурхандарьи, далее р. Туполанг. От г. Денау обследование было произведено по рекам Сангардак и Ходжаипак (Халкаджар).

Река Туполанг – наиболее многоводная правая составляющая р. Сурхандарьи; в истоке носит название Карасу, а в верхнем течении – Тамшуш;



Abstract

The article discusses the prospects for the development of hydropower in the r. Tupolang in the Surkhandarya region, with considering the geographical location and climatic conditions.

Keywords: river, water-power plant, energy, reservoir, hydraulic structure, flow.

после впадения руч. Шатрут получает имя Туполандарья.

Территория принадлежит южным отрогам Гиссарского хребта, северной оконечности Сурхандарьинской депрессии. Абсолютные отметки поверхности колеблются от 712 м на урезе воды, до 1200-1300 м на участках местных водоразделов.

По устройству поверхности здесь выделяются горные хребты и межгорные равнины. В последних заложены долины рек Сурхандарьи и Шерабада, соединяющиеся на юге с долиной реки Амударьи. Они окаймлены высокими, средними и низкими горами. К первым относится Гиссарский хребет и горы Байсунтау с отметками от 4000 до 5000 м, покрытые снежниками и ледниками, расчлененными глубокооврезанными ущельями горных рек. Среднегорный рельеф образуют отроги Гиссарского хребта – горы Сурхантау, Куштанг, Кугитанг и Бабатаг высотой 1000 – 3500 м. Склоны их, обращенный на юго-восток, большей частью крутые, с заложенными в них глубокими ущельями. Так ущелье реки Сангардак в горах Сурхантау имеет глубину 1500 м.

Долина Сурхандарьи имеет асимметричное строение с узкой левобережной частью и широкой правобережной. На обоих берегах реки прослеживаются четыре речные террасы, сочленяющихся с террасами временных и постоянных боковых притоков, формирующих конусы выноса на предгорной равнине (Туполанг, Сангардак и др.).

Наибольшие запасы подземных вод сосредоточены в четвертичных аллювиальных и аллювиально-пролювиальных отложениях, где удельные дебиты скважин достигают 10 и более л/с. Общий



расход грунтового потока в нижнем течении реки Сурхандарьи достигает 800 – 900 л/с.

Впадение р. Туполангдарьи в р. Сурхандарью происходит в районе пос. Бешкапа примерно в 10 км к северо-востоку от г. Денау. Рельеф местности ярко выраженный равнинный; устьевое очертание реки – многорукавное, в сочетании с сетью коллекторов и арыков, отбирающих сток реки на орошение и водоснабжение.

Пойма реки Туполанг начинается выше поселка Лянгар к пос. Падахана; в районе пос. Падахана ширина реки составляет примерно километр. До устья сая Зарчоб река Туполанг делится на несколько рукавов, образующих островки, иногда до нескольких десятков метров в длину. По обоим берегам пойму реки обрамляют террасы высотой до 10-15 м.

Вдоль автодороги на правом берегу проходит линия электропередачи.

Сразу за пос. Сарыджуй было построено гидротехническое сооружение, осуществляющее подпор и небольшое регулирование стока реки и забор воды в правобережный канал. В момент обследования горизонт воды перед дамбой практически соответствовал бытовому уровню в реке.

Наличие существующего сооружения внесло изменения в составленную ранее схему использования участка реки Туполанг до Туполангского водохранилища.

Предполагается использование подпора, созданного уже построенным гидротехническим сооружением в районе пос. Сарыджуй для выработки электроэнергии. Режим работы станции будет принят соответственно режиму пропусков в нижний бьеф по водохозяйственным требованиям.

Исходя из проектных отметок уровня воды перед этим подпорным сооружением, будут выбраны параметры и положение вышележащей ГЭС.

Удобный створный участок для невысокой плотины расположен на характерной излучине реки ниже впадения правобережного ручья Та-

гапсай и левобережного сая Зарчоб, сразу за поселком Янгиабад на правом и Зарчоб на левом берегу. От подпорного сооружения в этом створе по левому или правому берегу может быть проложена трасса открытой деривации до горизонта Сарыджуйского водохранилища. Или же размещено приплотинное здание станции на удобных площадках в пойме реки.

Выше по течению Туполангдарьи, вплоть до створа плотины Туполангского водохранилища, рассмотрены возможные створы для возведения плотины и использования потенциала этого участка реки общим падением около 100 метров. Освоить этот участок можно одной или двумя ступенями ГЭС, что выяснится в результате технико-экономического сопоставления вариантов схемы использования.

Сама река Туполанг на участке от впадения ручья Зарчоб до створа Туполангского водохранилища течет одним слабоизвилистым руслом. Ширина реки 15-20 м; глубина 0,5-1,0 м; скорость потока 1,5-2,0 м/сек; расход визуально 15-20 м³/сек. Течение стремительное, местами порожистое; вода чистая.

На этом участке р. Туполанг принимает следующие притоки: слева – Обичнаргаз, Бурсиало; справа – р. Маляндарья. Выше устья р. Маляндарьи на р. Туполангдарья расположен гидропост «Хардури».

В пойменной части реки на расстоянии 1,5-2,0 км до створа Туполангского водохранилища отмечаются террасы; ниже по течению – левый берег труднодоступен.

В результате рекогносцировочного обследования первоочередным объектом строительства на реке Туполанг рекомендуется Зарчобская ГЭС, расположенный в 12 км ниже Туполангского гидроузла.

Схема размещения ГЭС разработана по результатам комплексного рекогносцировочного обследования нижнего течения р. Туполанг, проведенной специалистами АО «Гидропроект», а также по данным картографических материалов масштаба 1:25000 и 1:10000.

В верхнем течении реки параметры ГЭС характеризуются небольшими расходами (от 11 до 35 м³/с) при больших напорах (до 275 м).

Основные параметры рассматриваемых гидроэлектростанций приведены на рис. 1.

Учитывая наличие автотранспортных коммуникаций, железной дороги, строительной базы, а также квалифицированной рабочей силы, высвобождающейся по мере ввода в эксплуатацию Туполангского гидроузла первоочередным объектом строительства выбрана Зарчобская ГЭС.

Гидроэлектр станциялардан фойдаланишни ташкиллаштириш ва мутахассисларни ушбу жараёнга тайёрлаш масалалари

Анвар УРАЗОВ, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ГЭСларни эксплуатация қилиш ва ускуналарни таъмирлаш бўлими бошлиғи

Гидроэлектр станцияларда эксплуатация ишларини ташкиллаштириш, унинг қурилиш ишлари якунланиб, биринчи агрегат ишга туширилгунга қадар ҳамда ундан кейин ҳам чегараланмаган узоқ вақт мобайнида бажариб бориладиган жуда кенг доирадаги вазифаларни қамраб олувчи жараён ҳисобланади. Амалиётда мавжуд норматив ҳужжатлар, яъни техник эксплуатация қоидалари, хавфсизлик техникаси қоидалари, лойиҳаловчи ташкилот ва тайёрловчи завод томонидан тақдим этилган йўриқнома-лар ва бошқа ҳужжатларга асосан ГЭСлар фойдаланишга қабул қилингандан кейинги жараён учун мўлжаллангандир.

ГЭСларда ўрнатиладиган ҳар қандай ускуна ва жиҳозларни эксплуатация қилиш самарадорлигини ошириш учун таъсир этувчи бирламчи омиллар эса, ушбу ускуна ва жиҳозлар яратилгунга қадар шакллантирилади. Яъни, бунда ускуналарнинг техник параметрларини аниқловчи буюртмачи томонидан бериладиган техник шартлар асосий ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Техник шартлар шакллантирилиши гидроэлектр станциянинг лойиҳа ишлари билан параллел равишда олиб борилиши сабабли, эксплуатация қилувчи ташкилот ходимларини ушбу жараёнда (лойиҳалаш ва техник шартлар ишлаб чиқиш) қатнашишлари жуда муҳим. Сабаби: лойиҳачи ёки конструктор мазкур ускуналарни эксплуатация қилишдаги барча нозик томонларини эксплуатация ходими сингари тушунмаслиги мумкин. Шу муносабат билан, буюртмачи таш-

килот ходимлари таркибига ускуна, жиҳозлар ва технологик жараёнларни автоматлаштириш қурилмалари, бино ҳамда иншоотларни лойиҳалаш сифатига ижобий таъсир этувчи эксплуатация ташкилоти ходимларини жалб этиш ўта муҳимдир. Айнан мана шу босқич ГЭСларни эксплуатация қилишни ташкиллаштиришнинг дастлабки босқичи ҳисобланади.

ГЭСлар шундай бир иншоотлар туркумига кирадики, уларнинг қурилиши ва уларга зарур ускуналар танлови алоҳида индивидуал ёндашувни талаб этади. Уларни эксплуатация қилишда қандайдир ўрнатилган умумий талаб ва қоидалар мавжуд бўлса-да, лекин, ГЭСларнинг турларига қараб (деривацион, тўғонли ёки тўғон олди), уларнинг эксплуатациясида ҳам ҳар бир асосий ускуна ва жиҳоз учун, ёрдамчи хўжалик қурилмалари учун ёки бино иншоотлар ва уларнинг алоҳида конструктив элементлари учун алоҳида ёндашув зарур. Бундан ташқари, мавсумнинг ўзгаришига қараб ҳам уларнинг эксплуатация режимида зарур ўзгаришлар юз бериши табиий ҳол.

ГЭСларни эксплуатацияга топширилиши икки босқичда амалга оширилади: биринчи босқич – вақтинчалик эксплуатация ва иккинчи босқич – доимий эксплуатация.

Бунинг учун, авваламбор, янги қурилган ГЭСнинг эксплуатацияга қабул қилингунча, эксплуатация қилувчи ходимлари таркиби шакллантирилиб, улар махсус йўналишлар бўйича тайёрланишлари зарур. Вақтинчалик эксплуатация даврида ушбу ходимлар ўрнатилган ускуна ва жиҳозларнинг ишга туширилиш тартибларини ўзлаштириб, улардаги камчилик ва носозликларни аниқлашади ва етказиб берувчи завод ёки қурувчи пудратчи ташкилот билан биргаликда мазкур камчиликларни бартараф этиб боришади. Бундан ташқари, бу вақтда улар бино – иншоотлар ва уларнинг қисмлари турғунлигини, мустаҳкамлигини ҳамда ишончлилигини текширишади, деривация ва сув олиб кетувчи каналларининг сув ўтказиш қобилиятини, сув тиндиргичларнинг, сув ташлама ва муз ташлама иншоотларининг ишлашини, уларда ўрнатилган





гидромеханик ускуналарнинг (затворлар, панжаралар, юк кўтариш мосламалари ва б.) тўлақонли ишлашларини синовдан ўтказишади. Мана шу жараёнларда қатнашган барча ходимлар томонидан эгалланган билимлар келгусида доимий эксплуатация қилиш вақтида барча ускуналарни юқори Ф.И.К. ишлашини таъминлашда, технологик муҳим қарорлар қабул қилишларида катта рол ўйнайди. Ходимлар етказиб берувчи завод ёки лойиҳаловчи ташкилот томонидан ишлаб чиқилган ва тақдим этилган чизмалар, йўриқномалар ҳамда шу каби техник ҳужжатлардан ташқари, ўрнатилган ускуна ва жиҳозларнинг, бино-иншоотларнинг эксплуатация қилиш йўриқномаларини ва иш режимини уларнинг амалдаги эксплуатация ҳолати, конструктив ўзгаришлари ҳамда маҳаллий шарт-шароитларини инобатга олган ҳолда, ишлаб чиқишдек зарур билим ва кўникмаларга эга бўлишади.

Келгусида эксплуатация қилувчи ва тезкор диспетчер ходимлар ушбу йўриқномалар асосида ускуналар ва иншоотларнинг иқтисодий самарадор, ишончли ва хавфсиз ишлашларини таъминлашлари талаб этилади.

Ўрнатилган қурилма ва жиҳозларни иқтисодий самарадор, ишончли ва хавфсиз ишлашларини таъминлашда уларга кўрсатиладиган техник хизматлар ва таъмирлаш ишларини сифатли ташкил этиш асосий муҳим вазифа саналади.

Бугунги кунда “Ўзбекгидроэнерго” АЖ таркибидаги гидроэлектр станцияларни эксплуатация қилиш ва таъмирлаш ишларини ташкил этиш, “Ўзбекистон Республикаси электр станциялари ва тармоқларини техник эксплуатация қилиш қоидалари” ҳамда “Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг “Ts 27.140-07:2020 – Гидроэлектр станцияларнинг ускуналарига техник хизмат кўрсатиш ва уларнинг таъмирини ташкил этиш қоидалари” асосида олиб борилмоқда.

Ҳар қандай қурилма, ускуна ва жиҳозларни тўғри эксплуатация қилинишини ташкил-



лаштиришда малакали кадрларга бўлган талаб долзарблигича қолаверади. Шу сабабли, эксплуатация ходимларини танлаш, тайёрлаш ва тақсимлаш жараёни ўта муҳим жараён ҳисобланади. ГЭСларни эксплуатация қилувчи ташкилотнинг ташкилий тузилмавий шакли ва ходимлар сонини шакллантириш унинг таснифига, тоифасига, турига, географик жойлашувига ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Мазкур масалада “Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан қурилиш, модернизация ишлари олиб борилаётган объектларда юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, кадрларни танлаш ва ишга жойлаштириш бўйича катта тажриба мактаби яратилган. Бунда буюртмачи, лойиҳаловчи, қурувчи ташкилот ходимларидан ташқари эксплуатация ташкилоти ходимлари ҳам жалб этилган бўлиб, бу мазкур объектларда олиб борилаётган қурилиш-монтаж ишларини, ишлаб турган ускуналар билан мувоқаллаштирилган ҳолда олиб борилишида муҳим технологик қарорлар қабул қилинишини тезлаштириш билан бирга, ишларни жадал суръатларда олиб бориш имконини бермоқда.

Кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш бўйича ҳам Жамият томонидан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ҳамда Тошкент архитектура-қурилиш институти билан узвий ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда. Тизимда меҳнат қилаётган кўп йиллик иш стажига эга ишчи-ходимлар мазкур даргоҳларга тавсиянома асосида ўқишга қабул қилиниб, малакали мутахассис бўлиб етишишлари учун зарурий шароитлар яратилди. Бундан ташқари, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ тасарруфидаги “Ўқув-энергоқурилиш” НТМда тизимда фаолият юритаётган ходимларни малакасини ошириш ва уларни янги касбларга тайёрлаш бўйича ҳам амалий-ташкилий ишлар йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси жанубий худудларида жойлашган сув омборлари тўғонларида қуёш фотоэлектр станцияларидан самарали фойдаланиш масаласи

Актам ДЕНМУХАММАДИЕВ, техника фанлари номзоди, доцент,
Шоакбар ШОЮСУПОВ, физика-математика фанлари номзоди, доцент,
Яъқубжон ЧЎЛЛИЕВ, ассистент,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти
Шокир ШОЮСУПОВ, физика-математика фанлари номзоди, доцент,
Эркин СОБИРОВ, ассистент, Наманган муҳандислик-технология институти

Аннотация

Ушбу мақолада геоинформацион тизим ҳамда имитацион қийматлар ёрдамида Ўзбекистон Республикаси жанубий ҳудуди Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари мавсумий қуёш радиацияси миқдори харитаси ишлаб чиқилган. Шу билан биргаликда, қуёш фотоэлектрик станцияларини самарали ишлашини таъминлаш учун мавжуд бўлган Талимаржон гидротехник иншооти тўғони нишаблик қисмидан фойдаланиш таклиф этилган. Шунингдек, мақолада, қуёш фотоэлектр станцияларининг асосий ишчи қисми бўлган фотоэлементларни энг асосий салбий ташқи омилларидан бири - ҳарорат таъсирида ФИКнинг тушиб кетиши эканлиги кўрсатилган. Ушбу салбий таъсирнинг олдини олиш ва мавжуд бўлган табиий шароитдан фойдаланиш имконини яратиш масаласи келтириб ўтилган.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 56 та йирик ва ўрта сизимдаги сув омборлари мавжуд бўлиб, бу ўз ўрнида ёзги мавсум мобайнида катта сув захирасини вужудга келтиради. Техноген ҳодисаларни олдини олиш мақсадида, сув омборларининг тўғонларини мустақамлиги атрофлича тадқиқ этилган [1,2]. Бироқ, республикамиздаги мавжуд сув омборларининг тўғонлари ташқи юзасидан ҳеч қандай мақсадларда фойдаланилмайди.

Ҳозирги кунда электр энергиясини ишлаб чиқишда асосий хом ашё сифатида фойдаланувчи табиий захира бойликларининг миқдори камайиб бораётганлиги ҳамда экологик муаммолар учун ҳам электр энергиясини ноанъанавий усуллардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Республикамиз ҳудуди Ер шарининг қуёш радиацияси миқдори юқори бўлган худудларидан бири бўлиб, бу ўз ўрнида республикамизда қуёш энергетикасини ривожлантириш истиқболлари юқорилигидан далолат беради. Шу билан биргаликда, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришни асосан қуёш энергетикаси

Abstract

In this article, using the Geographic Information System and simulation values, a map of the amount of seasonal solar radiation in the southern regions of the Kashkadarya and Surkhandarya viloyats (regions) of the Republic of Uzbekistan has been compiled. At the same time, it is proposed to use the slope of the existing dam of the Talimarjan hydrotechnical structure to ensure the efficient operation of solar photovoltaic stations.

The article also shows that one of the main negative external factors of photovoltaic cells, which are the main working part of solar photovoltaic stations, is a decrease in efficiency under the influence of temperature. The question was raised about preventing this negative impact and about the possibility of using the existing natural conditions.

ҳисобига амалга ошириш бир мунча истиқболли ҳисобланади. Аммо, қуёш фотоэлектр станцияларининг фойдали иш коэффиценти қийматини барқарор таъминлаш учун ташқи муҳитнинг таъсирини ҳисобга олиш муҳим саналади. Шундай таъсирлардан бири – бу фотоэлектрик станция жойлашган ҳудуд ҳароратининг юқори бўлишидир. Фотоэлементларининг ҳарорати ортиши билан уларнинг ФИК қиймати кескин тушиши кузатишган. Бу муаммонинг олдини олиш учун сув омборларидаги тўғонлардан фойдаланиш истиқболли ҳисобланади. Чунки катта миқдордаги сув захирасининг мавжудлиги ҳудуддаги атмосфера ҳароратини бир мунча мўътадил бўлишни таъминлайди, яъни сув омборлари атрофида конвекцион жараёнлар қолган локал жойларга нисбатан анча юқори бўлиб, бу эса, тўғон атрофида ҳароратни бир мунча мўътадил бўлишини таъминлаши ва фотоэлектр станция ишлаб чиқариши керак бўлган электр энергия миқдорини барқарор таъминлаш имконини беради.

ArcGIS 9.3 платформасидан фойдаланган ҳолда қуёш радиациясини тадқиқ этиш ҳозирги кунда муҳим аҳамиятга эга. Чунки берилган худудни мавсумий ва аниқ вақт оралиғидаги радиация

қийматини прогнозлаш имкони мавжуд [3,4,5,6].



1-расм. Талимаржон сув омборининг Ернинг сунъий йўлдошидан олинган тасвири

Асосий қисм

Мазкур мақолада жанубга ориентацияланган Талимаржон сув омборининг “Тўғон-1”ни ташқи юзасидан фотовольтаик панеллар тасмаларини ўрнатиш орқали электр энергиясини ҳосил қилиш истиқболлари ҳақида сўз юритилади. Талимаржон сув омбори Қашқадарё вилоятининг жанубий-ғарбий томонида Янги-Нишон ҳудудида жойлашган бўлиб, кенглик ва узунлиги бўйича координаталари: 38° 51' 38" N / 65° 47' 21" E га тенг [9] бўлиб, жами 1,5 млрд.м³ сув ҳажмига эга. Сув омборида иккита тўғон иншооти мавжуд бўлиб, “Тўғон-1”нинг баландлиги 35 м, узунлиги 9745м, “Тўғон-2”нинг баландлиги 37м, узунлиги эса 1000 м.ни ташкил қилади [7].

ArcGIS 9.3 платформасидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистонда қуёш радиация балансини мавсумий ва фазовий ўзгаришларини ҳар бир ҳудудда табиий-иқлимий шароитлар потенциалини ҳисобга олиб, қуёш радиациясининг Ер юзига етиб келиш имкониятларини геоахборот тизимлари ёрдамида геофазовий моделлаштириш мумкин. Бунинг учун қуйидаги ифодадан фойдаланамиз [8]:

$$R_s(t) = R_D(t) + R_{Dif}(t) + R_O(t) \quad (1)$$

бу ерда; $R_s(t)$ – қуёш радиацияси йиғинди қиймати,

$R_D(t)$ – қуёш радиациясининг тўғри йўналишдаги қиймати,

R_{Dif} – қуёш радиациясининг диффузияланиш қиймати,


$R_O(t)$ – қуёш радиациясининг Ер юзасидан қайтишдаги қиймати.

Юқоридаги ифодадаги тенгликни ўнг томонидаги учинчи ҳадни сон қиймати кичик бўлгани


учун ҳисобга олинмаса (1), ифода қуйидаги кўринишга келади:

$$R_s(t) = R_D(t) + R_{Dif}(t) \quad (2)$$

Юқоридаги аналитик ифодалар асосида ҳисоблаш ишларини олиб боровчи программадан фойдаланиб, қуёш радиациясини имитацион моделлаштиришимиз мумкин бўлади. Қуйида республикамизнинг жанубий вилоятлари бўлган Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг мавсумий қуёш радиацияси миқдорининг имитацион моделлаштириш натижалари келтирилган.



2-расм. Республиканинг жанубий-шарқий локал (Қашқадарё ва Сурхондарё вилояти ҳудудлари) ҳудудининг мавсумий қуёш радиация картаси: а) май б) июнь, с) июль, d) август.



3-расм. Қашқадарё ҳудудидаги мавсумий қуёш радиацияси қийматига боғлиқ 1 м² юзада ҳосил бўлувчи қувват миқдори.

Демак, юқоридаги муаммони муҳимлигини кўрсатиш учун қувват ҳосил қилувчи қуёш фото-

электрик модуллари йиғиндисини миқдори ва юзасини ҳисоблаб топайлик. Биринчи навбатда, йиллик қуёш радиациясининг ҳисобини қуйидагича аниқлаймиз:

$$E_{\text{ўр}}^{\text{йил}} = \frac{\sum_{k=1}^{344} E_{\text{ўр}}}{12} \quad (3)$$

бу ерда: $E_{\text{ўр}}$ - ҳар кунлик ўртача радиация қиймати.

Агар, айтайлик, бизга тўғондаги истеъмол қувватини $P_{\text{исте}}$ ҳамда ўрнатилаётган қуёш фотоэлектрик модулининг поликристалл кремний асосидаги фойдали иш коэффиценти $\eta_{\text{қфэм}} = 14\%$ эканлигини инобатга олсак, натижада қуёш фотоэлектрик модулларининг юзасини қуйидагича кўринишда аниқлаш имконига эга бўламиз:

$$S_{\text{қфэм}} = \frac{P_{\text{исте}}}{\eta_{\text{қфэм}} \cdot E_{\text{ўр}}^{\text{йил}}} \quad (4)$$

Шу билан биргаликда, шу юзани ташкил этувчи қуёш фотоэлектрик модулларини сонини қуйидагича аниқлаймиз:

$$n_{\text{мод.}} = \frac{S_{\text{қфэм}}}{S_{1\text{мод}}} \quad (5)$$

Юқоридаги ҳисоблашлардан кўринадики, маълум бир қувватга эга бўлган кичик бир фотоэлектрик электр станциясини қуриш учун анчагина салмоқли юзани ташкил этувчи модуллардан фойдаланишимиз зарур. Демак, сув омборлари тўғонлари қия текисликларидан фойдаланган ҳолда кичик қувватли фотоэлектр станцияларини барпо этиш мумкин.

Хулоса:

Қуёш фотоэлементлари асосидаги панеллар ёрдамида ҳосил қилинган ўзгармас ток электр энергиясидан қуйидаги амалий мақсадларда фойдаланиш мумкин:

- тўғоннинг ёритиш тизими электр истеъмолчиларини электр энергияси билан таъминлаш;
- №7 насос станциясида ўрнатиш синхрон двигатель (СД) нинг (асосий насослари вертикал ўқли синхрон двигателларининг қўзғатиш тизимини ҳамда насос станция биносининг ёритиш тармоқларини) ўзгармас ток билан таъминлашга;
- тўғонга хизмат қилувчи электромобилларнинг аккумулятор батареяларини зарядлаш учун;
- сув омборида истиқболда ўрнатилиши режалаштириладиган гидроаккумуляцияловчи электр станциянинг ўз эҳтиёжи таъминотиغا;
- келажақда сув омбори атрофида экотуризмни ривожланишини ҳисобга олган ҳолда, дам олиш учун келган меҳмонлар ва сайёҳларга хизмат кўрсатиш инфратузилмаларининг электр истеъмолчиларига (меҳмонхоналар, кемпинг, дам олиш жойлари ва ҳок.);

- истиқболда, электромобиллар жорий қилинишида, ушбу транспорт воситаларини электр зарядлаш станциялари таъминотиغا.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Sultanov T. Z., Bestuzheva A. S., Yuldashev B. Sh., Urinov B. X., Numonov A. T. "Modeling strain processes in earth dams with account for inhomogeneous features of a structure" Modelling and Methods of Structural Analysis Conf. Series: Journal of Physics: Conf. Series 1425 (2020) 012012.
2. Sultanov T., Yuldoshev B., Toshmatov E., Yarashov J. , Ergashev R., Mirsaidov M. "Strength assessment of earth dams" MATEC Web of Conferences 265, 04015 (2019).
3. Shklyayev V.A., Isakov S.V. "Estimating the balance of short-wave radiation of a territory using geographic information systems" Bulletin of the Udmurt University 2014. Issue. 2 pp. 122-133.
4. Alina Cioban, Horia Criveanu, Florica Matei, Ioana Pop, Ancuța Rotaru "Aspects of Solar Radiation Analysis using ArcGis" Bulletin UASVM Horticulture, 70(2)/2013, 437-440 Print ISSN 1843-5254; Electronic ISSN 1843-5394.pp.437-440.
5. Romana Ambreen, Iftikhar Ahmad, Xinfu Qiu, Menjei Li "Regional and Monthly Assessment of Possible Sunshine Duration in Pakistan: A Geographical Approach" Journal of Geographic Information System, 2015, 7, 65-70, <http://www.scirp.org/journal/jgis>.
6. Lalit Kumar, Andrew K. Skidmore, Edmund Knowles "Modelling topographic variation in solar radiation in a GIS environment" Int. J. Geographical information science, 1997, vol. 11, №. 5, pp. 475 - 497.
7. Назаров Б.С. Технико-экономическое обоснование внедрения ГАЭС на существующих объектах. Выпускная квалификационная работа ТГТУ, Ташкент. – 2014.
8. Мўминов Р.А., Боқиев А.А., Шоюсупов Ш.А. Ўзбекистон ҳудудида қуёш радиация балансини мавсумий ўзгаришларини тадқиқ этиш ва фойдаланиш истиқболлари. Международная научно-практическая конференция «Проблемы повышения эффективности использования электрической энергии в отраслях агропромышленного комплекса». – 2015, 25-26 май, 390-393 стр.
9. http://www.mapnall.com/ru/map/Esri.World-Imagery_1128794.html.

Шамол электр қурилмаларининг парраклари ва баландлиги ўлчамларининг энергия самарадорлигига кўрсатадиган таъсири

*Яъқубжон ЧЎЛИЕВ, ассистент,
Алимардон МУСТАФОҚУЛОВ, ассистент.*

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Аннотация

Ҳозирги кунда электр энергия олишда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш муҳим ва долзарб масала бўлиб қолмоқда. Чунки асосий электр энергия манбаси бўлган иссиқлик электр станцияларида ёқилғи сифатида ишлатилётган кўмир, нефт ва газ захиралари кескин камайиб бормоқда. Ушбу органик ёқилғиларни ёқиш натижасида кўп миқдорда куюнди маҳсулотлари чиқиб атроф-муҳитни ифлослантиради. Шунинг учун электр энергиясини олишда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш кенгайиб бормоқда. Республикамиз шароитида бундай энергия захираларига кўш, шамол ва биоэнергияни киритиш мумкин. Инсоният кўпдан буён шамол энергиясидан фойдаланиб келмоқда. Ҳозирги фан, техника ва технология ютуқлари шамол энергияси ёрдамида электр энергияси олиш имконини бермоқда. Ҳозирги вақтда ер юзиде 170 трлн.кВт-соат энергия бера оладиган шамоллар мавжуд. Бундай электр энергия манбалари айниқса, асосий электр тармоқларидан олисда жойлашган истеъмолчилар учун жуда қулай ва ҳозиргача республикамизнинг ҳудудларига мос шамол қурилмалари ишлаб чиқилмаган.

Кириш

Ҳозирги кунда электр энергия олишда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш муҳим ва долзарб масала бўлиб қолмоқда. Чунки, асосий электр энергия манбаси бўлган иссиқлик электр станцияларида ёқилғи сифатида ишлатилаётган кўмир, нефть ва газ захиралари кескин камайиб бормоқда. Шу органик ёқилғиларни ёқиш натижасида кўп миқдорда куюнди маҳсулотлари чиқиб атроф-муҳитни ифлослантиради.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, ишлаб чиқаришнинг энергия сифимини қисқартириш, миллий илмий-техникавий ишланмалар ва синовдан ўтган

Abstract

Today, the use of renewable energy sources in electricity generation remains an urgent problem. As coal, oil and gas used as fuel in thermal power plants, which are the main source of electricity, are sharply reduced.

The combustion of these fossil fuels produces large amounts of combustion products and pollutes the environment. Therefore, the use of alternative energy sources for generating electricity is expanding. In the conditions of our republic, such energy reserves can include solar, wind and bioenergy. People have long been using wind power.

Modern advances in science, engineering and technology make it possible to obtain electrical energy using wind energy. Currently, there are winds in the world that can produce energy of about 170 trillion kWh of wind. Such sources of electricity are especially convenient for consumers located far from the main electric networks, and until now in our Republic wind devices have not been developed in accordance with the territories.

ҳалқаро энерготехамкор илғор технологиялар, тадқиқотларни амалиётга мақсадли жорий этиш соҳасида белгиланган устувор йўналишларни рўёбга чиқаришда қуйидагилар [1,2] тавсия қилинади:

Масаланинг қўйилиши

Ҳаракатланаётган ҳаво массаси ўзида жуда катта энергия ҳажмини жамлаган. Шамол энергиясининг захираси сайёранинг барча дарёларида мавжуд бўлган гидроэнергия захираларидан юз марталаб катта ҳисобланади. Бу каби катта энергиядан шамол двигателлари бу талабга жавоб бермайди ва дунё мамлакатларидаги энергия истеъмолига бўлган эҳтиёжни мингдан бир қисминигина қоплаши мумкин [3].

Шамол қурилмаларини назарий томондан таҳлил қилиб чиқдик ва бу таҳлиллар шуни кўрсатадики, қурилманинг энергия кўрсаткичига

таъсир кўрсатадиган энг асосий унсурлар, шамол генераторининг жойлашув баландлиги (устунининг баландлиги h), шамол қурилмаси айланганда ҳосил бўладиган юза (шамол парраги ўлчамига боғлиқ A), шамолнинг тезлигига бевосита боғлиқ.

Ечиш усули ва натижалар.

Биринчи навбатда, шамол тезлиги h -баландликда бевосита боғлиқлигидан шуни англаймизки, баландлик ошгани сайин тезлик ҳам ошади:

$$v_h = v_0 \cdot \left(\frac{h}{10}\right)^b \quad (1.1)$$


Бундан v_0 м/с баландликлар орасида эсаётган шамолнинг ўртача тезлиги b -даражавий коэффицент (тажриба орқали аниқланган коэффицент бўлиб, Паркент туманидаги МНР MS4-12-1 туридаги метеостанция орқали аниқланган) қиймати, $b=1/7 \approx 0,14$ га тенг. v_h -биз учун зарур бўлган h баландликдаги ҳосил бўладиган тезлик [4,5].

Қуйидаги жадвалда 5 м дан 10 м гача орасидаги тезликнинг ўртача қиймати 5 м/с бўлган пайтда h баландлигининг ҳар 5 м га ошгандаги тезлиги кўрсатилган:

Шамол тезлигининг баландликка боғлиқлик жадвали.

1-жадвал

$V, \text{ м/с}$	$h, \text{ м}$	$v_h, \text{ м/с}$
5	10	5
5	15	5,29817
5	20	5,520448
5	25	5,699261
5	30	5,849654
5	35	5,979901
5	40	6,095068



1-расм. Шамол тезлигининг баландликка боғлиқлик диаграммаси.

Ушбу жадвал ва диаграммадан кўринадики, 35-40 м баландликда тезлик 6 м/с га етди бу кўрсаткич эса шамол генераторларининг нормал

қувват, яъни максимал қувватга яқин ишлаши учун етарлидир. Шуни инобатга олган ҳолда, шамол генераторларининг ишлаб чиқараётган қувватини топиш формуласидан, қувват тезлигининг кубига тўғри мутаносиб эканлигига гувоҳ бўламиз ($P \sim v_h^3$) [6].

$$P = C_p \cdot A \frac{\rho \cdot v^3}{2}, \quad (1.2)$$

Агарда 5-10 м баландликларда шамолнинг тезлиги юқори бўлса (10-20 м/с), у ҳолда генераторни меъёрда айлантириш учун шамол генераторларининг трансмиссия (редуктор ва тормозловчи қисм)га жиддий зарар етиши мумкин. Бунини инобатга олган ҳолда, шамол қурилмаларининг устунларини автоматик равишда бошқариладиган қилса, яъни шамол тезлигини сезган ҳолда датчиклар ишга тушиб, уни пастга ва тепага ҳаракатлантирадиган қилиб, барпо қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди [7].

Биз тажриба давомида парракнинг дастлабки ўлчамига нисбатан иккинчи марта шамол қурилмасининг парраклари олдингига нисбатан ўзгартирилиб, моторнинг ишлаб чиқарилаётган қучланиши ўлчанганда эса ишлаб чиқарилаётган қучланиш ошганига гувоҳ бўламиз.

Тажрибадан келиб чиқадики, шамол қурилмаси паррагининг қанотлари ўлчами қанча йирик бўлса, унинг ишлаб чиқараётган энергияси ҳам шунга мутаносиб равишда ошиб борар экан. Аммо, парраклар ўлчами бир меъёрда, ўзгармасдан ишласа, шамол генераторларининг юритма қисмига (трансмиссия) жиддий зарар етади. Бу эса, техник ва иқтисодий томондан катта йўқотиш дегани [8].


$$A = \pi R^2 \quad (1.3)$$

Бунда: A - шамол қурилмаси парракларининг айланиш ўқлари ҳосил қилган юза, π - ўзгармас сон ($\pi=3,14$), R - шамол парракларининг радиуси.

Агарда шамол электр қурилмасининг паррагининг радиуси автоматик равишда ўзгартирилса, ишлаб чиқарилаётган энергия нормал ҳолатда сақланади ва моторнинг юритма қисмига ҳам деярли зарар етмайди.

2-жадвал

V	h	V	A	P
м/с	м	м/с	м ²	Вт
5	10	5	0,785	28,94688
5	15	5,29817	0,785	34,44049
5	20	5,520448	0,785	38,9596



2-расм. Шамол тезлигининг парракларда ҳосил бўлувчи қувватга боғлиқлик диаграммаси.

5	25	5,699261	0,785	42,8694
5	30	5,849654	0,785	46,35347
5	35	5,979901	0,785	49,51921
5	40	6,095068	0,785	52,43574

Хулоса

Мутасаддилар ва давлат ташкилотчиларининг ташаббуси билан мамлакатимиздаги ноанъанавий энергия манбаларидан бири – шамол энергиясидан унумли фойдаланиш чора-тадбирларига чет эл ҳамкорлари жалб қилинса, қисман бўлса-да, электр энергияга бўлган талабни қондирган бўламиз, шу ўринда қўшимча ишчи ўринлар очилади. Шамол энергетик қурилмаларининг устуни баландлиги ва парракларининг радиуси автоматик равишда кўтарилганда, энергия самарадорлиги ошиб боради [9]. Автоном ШЭҚ лар нефть маҳсулотларида ишлайдиган дизель электр станциялар ва иситиш қурилмалари ўрнида фойдаланишда истиқболли қурилмалардан саналади. Замонавий шамол генераторларини диққат билан ўрганилаётган жойларга ўрнатиш бугунги кунда шамол энергиясига ишончли равишда инвестиция киритиш имконини беради. Ҳозирда, Ер юзида 170 трлн. кВт-с энергия бера оладиган шамол қурилмалари мавжуд. Бундай электр энергия манбалари, айниқса, асосий электр тармоқларидан олисда жойлашган истеъмолчилар учун жуда қулай. Қурилманинг ушбу параметрлари автоматик тарзда шамолнинг тезлигига

қараб бошқарилса, юритма қисмига деярли зарар етмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Узоқов Ғ.Н., Хўжақулов С.М., Узоқова Ю.Ғ. Мобил энергия манбаларидан фойдаланиш асослари. – Тошкент. 2017. – Б.68-71.
3. Маждидов Т.Ш. Ноанъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбалари. – Тошкент. 2014.
4. Шефтер Я.И. Использование энергии ветра – Москва. “Энергия”, 1982.
5. Зарич З. Энергетические ресурсы мира. – Курьер ЮНЕСКО, 1981.
6. Энергия, природа и климат. Клименко В.В., Клименко А.В. и др. – Москва. МЭИ, 1997.
7. Фатеев Е. М. Вопросы ветроэнергетики. Сборник статей. – Москва, АН СССР, 1959.
8. Dakeev U. Analysis of wind power generation with application of wind tunnel attachment. – University of Northern Iowa, 2013.
9. Z. Zhang Performance optimization of wind turbines. – University of Iowa, 2012.
10. Michaud. G. Renewable Energy Policy for Climate Action – ASES SOLAR, 2019.

Сув омборидаги сув ҳажмини оптимал бошқариш дастурини ишлаб чиқиш

Анвар ДЖАЛИЛОВ- PhD, доцент

Ойбек НАЗАРОВ, ассистент,

Яъқубжон ЧЎЛЛИЕВ, ассистент,

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Аннотация

Вместе с ростом спроса на водные ресурсы во многих частях мира, в частности в нашем регионе, нехватка воды также увеличивается с каждым годом. Климатические, географические и демографические условия Узбекистана требуют развития сетей водного хозяйства. Поэтому эти вопросы приобретают особое значения при проведении целевых научно исследовательских работ, направленных на совершенствование методов их эффективного управления, комплексного использования водных ресурсов. В статье разрабатывается алгоритм расчета автоматического управления уровнем воды на водохранилищах, структурная схема и программа автоматического управления объёма воды для водохранилища, а также вопрос автоматического управления объёма воды водохранилища с использованием данных датчиков на водохранилище.

Ключевые слова: Автоматическая система управления; оптимальное управление; датчики данных; уровень воды; объём воды; водохранилище.

Кириш. Ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий юксалишида сув ва энергия ресурслари муҳим аҳамият касб этади. Бундай энергия ресурсларининг етишмаслиги эса мамлакатда саноатнинг ривожланишига, аҳолининг турмуш тарзигагина салбий таъсир этиб қолмасдан, балки сиёсий қарамликка ҳам олиб келиши мумкин. Ҳозирда Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларидан фойдаланиш ҳажми 51 км³ ни ташкил этади, шундан 46,8 км³ ёки 90% га яқини қишлоқ хўжалиги учун фойдаланилади. Ўрганилган таҳлиллар, республикамизда сув танқислиги 2015 йилда 3 км³. дан ошганлигини кўрсатган бўлса, 2030 йилда у 7 км³ гача ортиши ва 2050 йилга келиб 11-13 км³га етиши мумкин [1].

2000 йилгача кам сувли мавсум ҳар 6-8 йилда бир марта кузатилган бўлса, охириги йилларда бу жараён ҳар 3-4 йилда такрорланмоқда. Бунда сув тақчиллигини, айниқса, дарёларнинг қуйи қисмида ҳамда канал ва бошқа сув манбаларидан узоқда жойлашган истеъмолчилар чуқур ҳис этмоқдалар.

Abstract

Along with the growing demand for water resources in many parts of the world, in particular in our region, water shortages are also increasing every year. The climatic, geographical and demographic conditions of Uzbekistan several years ago required the development of water management networks.

Therefore, it is of particular importance to conduct targeted scientific research aimed at improving methods for their effective management of integrated use and water resources.

The article develops an algorithm for calculating automatic control of the water level in reservoirs, a block diagram and a program for automatically controlling the volume of water for a reservoir, as well as the issue of automatic control of the volume of water in a reservoir using data from sensors on the reservoir.

Key words: automatic control system; optimal management; data sensors; water level; water volume; reservoir.

Шу сабабли, мажуд сув омборларидан ирригация ва энергетика тизимида самарали фойдаланиш усулларини такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Мамлакатимиздаги сув омборларида асосан экинларни суғориш учун сув захираси йиғилади. Сув омборларидаги сувдан оқилон фойдаланиш учун сув ҳажмини оптимал бошқариш талаб этилади. Шуларни инобатга олиб, ушбу мақолада C++ компьютер дастуридан фойдаланиб, сув омборларидаги сув ҳажмини автоматик бошқариш усулини кўриб чиқамиз.

Сув омборидаги сув ҳажми тўғрисидаги, сув омборига кириши кутилаётган сув оқимининг маълумотларидан ва ер сунъий йўлдоши томонидан ёзиб олинган маълумотлардан (Ерни масофадан аниқлаш суратлари) фойдаланиб, сув омборларидаги сув сатҳи, сув сарфи каби катталиклар бошқарилади [13]. Одатда сув омборлари ичидаги сув ҳажми билвосита сув омбори чуқурлигини ўлчаш ёки сув омбори майдонининг юзини ўлчаш орқали аниқланади. Сув омборидаги

сувнинг фойдали ҳажми йил давомида сувнинг чиқиб кетиши ва келиб қуйилиши миқдорларининг максимал ва минимал қийматлари орасидаги фарқ сифатида аниқланади [6;7;8]:


$$V_{\phi} = \sum (W_{pi} - U_i)_{max} - \sum (W_{pi} - U_i)_{min}. \quad (1)$$

Бу ерда W_{pi} – сув омбордан йил давомида сувнинг оқиб чиқиб кетиши, млн.м³; U_i – сув омборга йил давомида сувнинг келиб қуйилиши, млн.м³.

Ушбу усулда керакли ҳисобларни амалга ошириш кўп вақт талаб қилади, шу билан биргаликда, сув сатҳи, сарфи ва ҳажми ҳақидаги маълумотларни доимий назорат қилиб туришнинг имконияти йўқ. Бу каби муаммоларни ҳал қилиш эса замонавий услублардан фойдаланиб, объектни автоматик бошқаришни талаб этади.

Сув омборларидаги сув ҳажмини автоматик бошқаришда сув омборидаги датчиклардан олинган маълумотлардан фойдаланилади [16]. Сув омборидан чиқиб кетаётган ва келиб қуйилаётган сув ҳажмлари, сув сатҳи, юзаси каби параметрларини инобатга олиб, 1-расмда сув омбори учун сув ҳажмини автоматик бошқаришнинг такомиллаштирилган структуравий схемасини келтирамыз. Сув омбори учун автоматик бошқарув тизимининг узатиш функцияси қуйидаги ифодага эга [2;3;4;5;9;10;11;12;20]:

$$W_p = \frac{V_{c(p)}}{V_{a(p)}} = \frac{k_1 \cdot k_2 \cdot F + k_2 \cdot k_3}{p + k_1 \cdot k_2 \cdot F} \quad (2)$$



1-расм. Сув омбори учун сув ҳажмини автоматик бошқариш системасининг структуравий схемаси.

Бу ерда: X_g - сув омборига келиб қуйилган сув хажми;

V_a, V_c - мос равнища керакли ва жорий сув ҳажми;

k_1, k_2 - кучайтириш коэффициенті;

F - сувни чиқариш усулини характерловчи но-
чизикли элемент;

А – калит (датчикни улаб, үчиргич);

H_c - сув омборидаги сув сатҳининг жорий қиймати;

S_c - сув омборининг сув сирти жорий юзаси.

Олинган узатиш функцияси қуйидаги дифференциал тенгламага мос келади:

$$V_c'(t) = k_1 \cdot k_2 \cdot F(V_a(t) - V_c(t)) + k_2 \cdot X_g(t) \quad (3)$$

Дифференциал тенглама (2) ни ечиш учун Рунге-Кутта усули (сонли усул) ни қўллаш мумкин. Шуни таъкидлаш керакки, таклиф этилаётган структуравий схема дарё оқими йўлидаги сув омборида сув сатҳи ёки миқдорини автомат бошқариш имконини беради, яъни сув омборида сув сатҳининг самарали бошқариб турилишида калит А очиқ бўлади, акс ҳолда калит А ёпилади. Бу шуни англатадики, сув омборида сув ҳажминини бошқариш учун, яъни сув зарур бўлса калит ёпилади.

Сув омборида йиғиладиган сувнинг ҳажми конус ва кесик конуслар ҳажмлари йиғиндиси формуласи асосида ҳисобланади[14;15]:

$$V = \frac{S_0 \cdot h_0}{3} + \frac{h}{3} \sum_0^n (S_k + S_{k+1} + \sqrt{S_k S_{k+1}}) \quad (4)$$

Бу ерда: S_0 – баландлиги h_0 – бўлган горизонтал чизиқ билан чегараланган юза қиймати; S_k – баландликлари H_k – бўлган горизонталлар билан чегараланган юзалар қийматлари, h_0 – сув омбордаги энг паст нуқтадан яқин горизонталгача бўлган нисбий баландлик, h – рельеф кесими баландлиги.

(4) формулага асосан, сув омборидаги сув ҳажмини ҳисоблаш алгоритми қуйидагича бўлади:

- сув омбори бир нечта горизонт чизиқлар бўйича қисмларга ажратилади;

- ҳосил бўлган конус ва кесик конусларнинг радиуслари аниқланади;

- ҳосил бўлган конус ва кесик конусларнинг юзалари аниқланади;

- сув омборида ўрнатилган сатҳ датчиклари
маълумотлари йиғилади;

Сув омборидаги сув ҳажмини автоматик бошқаришда зарур бўлган керакли параметрларни назорат қилиш учун C++ дастуридан фойдаланамиз. C++ дастурида тузилган қисм дастури қуйида келтирилган [17;18;19]:

```
//nazorat qiluvchi parametrlar.cpp
```

```
//developed by Anvar Djalilov
```

```
// developed by F.M.V.  
#include<iostream>
```

```
#include<math.h>
```

```
#include<iomanip>
```

```
using namespace std;
```

```

int main (int argc, char* argv)
{
    const double pi=3.141592;

    double h0 , R0; h1 , R1
        setlocale(LC_ALL, "rus");
        cout<<"h0 , R0, h1, R1 ning qiymatini
kiriting:";
        cin>>h0; R0; h1, R1;
        V0=(1/3)*pi*SQR(R0)* h0;
        V1=(1/3)*pi*SQR(R1)* h1;
        cout<<"V0 = "<<fixed<<setprecision(5)<<
(1/3)*pi*SQR(R0)* h0<<" m3/s "<<endl;

```

```

        cout<<"V1 = "<<fixed<<setprecision(5)<<
(1/3)*pi*SQR(R1)* h1<<" m3/s "<<endl;
        system("pause");
        return 0;
    }

```

Хулоса. Ишлаб чиқилган сув ҳажмини автоматик бошқариш тизимининг структуравий схемаси, C++ дастуридан фойдаланиб тузилган программа сув омборидаги сув ҳажмини осон бошқариш, экинларни суғориш учун етарли ҳажмда сув тўплаш, сув тошқинларининг олдини олиш имконини беради.

№ Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони.
2. Бесекерский В.А. Теория автоматического управления. – М.: Профессия, 2004. – 747 с.
3. Алиева А.А. Система управления уровнем воды в водохранилищах / IV Всероссийская конференция молодых ученых по математическому моделированию и информационным технологиям, Красноярск, 3–5ноября 2003 г.,стр.13–14.
4. Алиева А.А., Панахов Н.А. Разработка контура управления объемом водных ресурсов в водохранилищах / V Всероссийская конференция молодых ученых по математическому моделированию и информационным технологиям с участием иностранных ученых, Новосибирск, Россия, 1–3 ноября, 2004 г., стр.56–57.
5. Оруджов Г.Г., Алиева А.А., Расулова Н.В. Разработка системы автоматического управления объемом воды в водохранилище с применением элементов ГИС-технологий // Научно-технический и производственный журнал «Мехатроника, Автоматизация, Управление» (МАУ), М: Новые технологии, 2012, стр.22–26.
6. Макаревич А. А. Гидравлика и инженерная гидрология. – Минск. 2017.- 115 с.
7. Бочкарев Я.В. Основы автоматизации и автоматизация гидромелиоративных систем. – М.: Колос, 1996. – 285 с.

Refereces

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PF-5742-son "Qishloq xo'jaligida er va suv resurslaridan samarali foydalanish chora-tadbirlari to'g'risida" [On measures for the efficient use of land and water resources in agriculture] gi farmoni. –T.: 2019 yil 17 iyun.

Besekersky V.A. Teoriya avtomaticheskogo upravleniya. [Theory of automatic control]. M.: Profession, 2004, 747 p.

Alieva A.A. Sistema upravleniya urovnem vodo' v vodoxranilihax. [Reservoir Level Management System]. IV Vserossiyskaya konferentsiya molodo'x ucheno'x po matematicheskomu modelirovaniyu i informatsionno'm texnologiyam, Krasnoyarsk, 3–5noyabrya 2003 g.,str.13–14.

Alieva A.A., Panaxov N.A. Razrabotka kontura upravleniya ob'emom vodno'x resursov v vodoxranilihax. [Development of a contour for managing the volume of water resources in reservoirs]. V Vserossiyskaya konferentsiya molodo'x ucheno'x po matematicheskomu modelirovaniyu i informatsionno'm texnologiyam s uchastiem inostranno'x ucheno'x, Novosibirsk, Rossiya, 1–3 noyabrya, 2004 g., str.56–57.

Orudjov G.G., Alieva A.A., Rasulova N.V. Razrabotka sistemo' avtomaticheskogo upravleniya ob'emom vodo' v vodoxranilihe s primeneniem elementov GIS-texnologiy. [Development of a system for automatic control of the volume of water in a reservoir using elements of GIS technologies]. Nauchno-texnicheskij i proizvodstvenno'y jurnal «Mexatronika, Avtomatizatsiya, Upravlenie» (MAU), M: Novo'e texnologii, 2012, str.22–26.

Makarevich A. A. Gidravlika i injenernaya gidrologiya. [Hydraulics and engineering hydrology].- Minsk. 2017.- 115 s.

Bochkarev Ya.V. Osnovo' avtomatiki i avtomatizatsiya gidromeliorativno'x sistem. [Fundamentals of automation and automation of irrigation and drainage systems].- M.: Kolos, 1996. – 285 s.

8. Карасев И.Ф., Васильев А.В. Гидрометрия. – Ленинград. Гидрометеиздат, 1991. – 375 с.
9. Подлесный Н.И., Рубанов В.Г. Элементы систем автоматического управления и контроля. – Киев, Виша школа, 1991. – 464 с.
10. Ревин Ю.Г., Костенко В.Ю. Основы автоматизации производственных процессов. – М.: ВО. Агропромиздат, 1991. – 191 с.
11. Агасандян Г.А. Программное обеспечение задач управления каскадами водохранилищ бассейна Волги // Сообщ. по прикладной математике. – М., ВЦ РАН, 2001. – 31 с.
12. Левит-Гуревич, Л.К. Сравнение Методов оптимального и диспетчерского управлений в процессе последовательного принятия решений на примере работы водохранилищ // Материалы Всероссийской конференции «Проблемы информатизации общества». – Нальчик, из-во КБНЦ РАН, 2008. – С. 247-251.
Давлат қабул комиссиясининг 1982 йил декабрдаги далолатномаси асосида қуввати 70 МВт бўлган 2 та агрегат ГА №1, №2; 1983 йил декабрда эса яна 2 та агрегат №3, №4 эксплуатацияга қабул қилинади.

1983 йил 20 майдан эътиборан, Андижон ГЭС электр энергияни ягона тизимда ишлаб чиқаришни йўлга қўйган.

Ўзбекистон Мелиорация ва сув хўжалиги вазир-

лигининг 1983 йил 10 октябрдаги буйруғи билан Андижон ГЭСни эксплуатация қилиш бўйича дирекция ташкил этилади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда ушбу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар доирасида 2017 йил 18 майда станция “Андижон ГЭС” унитар корхонаси сифатида қайта давлат рўйхатидан ўтказилади.

Андижон ГЭС ўз меҳнат фаолияти билан ҳақиқий намуна кўрсатган фидойи ходимларга эга бўлиб, уларнинг шарафли меҳнати давлатимиз раҳбарияти томонидан муносиб рағбатлантирилган. Хусусан:

Т. Мирзарахимов – 1995 йилда “Дўстлик” ордени билан;

Т. Курбанов – 2011 йилда “Шуҳрат” медали билан;

С. Султанов – 2012 йилда “Шуҳрат” медали билан;

А. Нуритдинов – 2018 йилда кўкрак нишони билан мукофотланган.

Хронологик статистикага эътибор қаратадиган бўлсак, 1983 йилдан 2019 йилга қадар, яъни ўтган 36 йил ичида ГЭС 17 млрд. 358 млн. 799 минг кВт электр энергия ишлаб чиқарди. Таъкидлаш жоизки, электр энергия ишлаб чиқариш кўрсаткичлари мунтазам ўсиб борди. Агар ГЭС томонидан 1983 йилда 202,2 млн. кВт электр энергия ишлаб чиқарилган бўлса, 1990 йилда ушбу кўрсаткич 337,020 млн. кВт, 2000 йилда 464,4 млн. кВт, 2010 йилда 696,281 млн. кВт, 2018 йилда 510,728 млн. кВт.га етди.

ГЭСнинг техник характеристикаси:

– ГЭС тури	– тўғон ёнидаги;
– Белгиланган	– 140 МВт;
– Агрегатлар сони	– 4 дона;
– Турбина тури	– қайрилувчи-панжали ПЛД-45-В-250;
– Турбиналарни ишлаб чиқарувчи	– Харьков турбина заводи;
– Иш ғилдирагининг диаметри	– 2,5 м.;
– Номинал айланиш частотаси	– 333,3 айл./мин.;
– Гидрогенераторлар тури	– СВ508/115-18 УХЛ4;
– Гидрогенераторни ишлаб чиқарувчи	– ЭЛСИБ.

Бутунги кунда ГЭС энергетика тизимида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб, аҳолини электр энергия билан таъминлаш борасидаги имкониятларини янада кенгайтириш устида фаол иш олиб бормоқда.

Окинава кичик ГАЭС

Жуманазар ШОМУРАТОВ,

“Бионолардан фойдаланиш дирекцияси” МЧЖ директори

Иклими субтропик бўлган Окинава Японияга тегишли Рюкю архипелагининг энг йирик ороли бўлиб, 1207 км² майдонни эгаллайди, аҳолиси 1,4 млн. кишини ташкил қилади. Окинаванинг табиати жуда гўзал, бу ерда йирик баргли умрбоқий яшил ўрмонлар жойлашган бўлиб, тупроғи серунум ҳисобланади.

Оролда ўзига хос тарзда бунёд этилган қуввати 31,4 МВт бўлган кичик ГАЭС жойлашган.

Қайд этиш жоизки, ГАЭС энерготизимининг самарали ва ишончли ишини таъминлашга йўналтирилган бўлиб, электр энергияга талаб кам бўлганда (асосан кечки вақтда) сувни юқори ҳавзага олиб чиқиш ва унга талаб ошганда (кундузги вақтда) сувни пастга тушириш орқали электр энергия ишлаб чиқариш йўли орқали электр энергияни оператив ва тежамкор ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришни назарда тутди. Бундан ташқари, ГАЭС энерготизимдаги қандайдир авариявий ҳолатда электр энергия қувватларини ошириш ва истеъмолчиларни ток билан узлуксиз таъминлаш имкониятига эгаллиги билан ажралиб туради.

Оролларда аҳолини ва ишлаб чиқаришни электр энергия билан таъминлашда ГАЭСларнинг роли аҳамиятлидир. Оролнинг катталигига қараб ГАЭСларнинг ҳажми ҳам белгиланади. Хусусан, Окинава оролида электр энергия ишлаб чиқариш учун ГАЭС куриш ташаббуси илгари сурилади. Бироқ, бу ташаббус қўлаб-қувватланса ҳам, бошида ГАЭС курилиши учун қулай майдон топиш муаммоли эканлиги аниқланади. Яъни, оролнинг ўзига хос жўғрофий жойлашуви натижасида, юқори ва қуйи ҳавзаларни бунёд этиш масаласи кўпгина тадқиқотчиларни боши берк кўчага олиб боради. Тадқиқотчилар томонидан олиб борилган изланишлар

хулосаси асосида қуйи ҳавза сифатида океандан фойдаланиш таклифи киритилади. Таклиф қабул қилинади ва 1991-1996 йилларда курилиш ишлари олиб борилади ҳамда 1999 йилда фойдаланишга топширилади.

Ушбу схемаларда ГАЭСнинг барча иншоотлари кўринаётган бўлиб, ГАЭСнинг асосий гидроиншоотлари ер остида жойлашган. Окинава ГАЭСнинг машина зали 25 м ер остида ўрнатилган ва бу ҳолат насос-турбиналарнинг барқарор иш режимини таъминлашга хизмат қилади. Юқори ҳавза орол қирғоқ чегарасидан 600 м узоқликда қурилган, кенлиги 252 м ва чуқурлиги 25 м. Машина зали юқори ҳавза ва океан билан умумий узунлиги 543 м бўлган туннель билан боғланган. 8 бурчакли юқори ҳавза оролнинг қирғоғида қурилган бўлиб, тўлиқ сунъийдир. ГАЭС самарали гидроизоляция билан жиҳозланган бўлиб, у денгиз сувининг тупроққа сингиб кетишини олдини олади. Ҳавза майдони 3 га, сувни қабул қилиш ҳажми 564 м³. Станциянинг конструкцияси сув харажати 26 м³/с бўлганда, босимни 136 м.га таъминлашга имкон беради.

Юқори ҳавзага сувни олиб чиқиш учун океан энергияси, аниқроғи, тўлқин энергиясидан фойдаланилади. Ушбу энергия генератори сифатида Буюк Британия муҳандиси Элвин Смитнинг икки пўкаксимон шаклидаги оригинал конструкцияси қўлланилган.

ГАЭС курилишида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳавза қурилган жойда катта миқдордаги ўсимликлар ва ҳайвонлар бошқа майдонга кўчиртирилди. Бундан ташқари, курилиш якунланганидан сўнг, 30 минг дарахтлар экилди ва бузилган ирмоқлар тикланди.



Робер-Бурасса гидроэлектр станцияси

Маҳмад АТАХАНОВ,
“Ўзбекгидроэнерго” АЖ бошқарма бошлиғи

Робер-Бурасса гидроэлектр станцияси (Robert-Bourassa generating station) La Grande-2 номи остида машҳур бўлиб, Канаданинг Квебек провинцияси шимоли-ғарбидаги Ла-Гранд-Ривер (Буюк дарё)да жойлашган.

Мазкур дарё гидроэнергия манбаи сифатида Hydro-Québec компанияси томонидан 1974 йилда фаоллик билан ўзлаштирилди. Дарёнинг юқори оқимида 9 та ГЭС бунёд этилади.

Робер-Бурасса гидроэлектр станциясининг ўрнатилган қуввати 5 616 МВт бўлиб, 16 та блоки 1979-1981 йилларда фойдаланувга топширилган. Йиллик электр энергия ишлаб чиқариш ҳажми 26 500 ГВт.с.

Мазкур ГЭС қўшни жойлашган ва 1991-1992 йилларда фойдаланувга топширилган қуввати 2106 МВт бўлган Ла-Гранд-2-А генератор станцияси (LG-2-A) билан бирга Робер-Бурасса номидаги сув омбори тизимидаги сув ҳавзаси ва тўғонидан фойдаланиб, электр энергия ишлаб чиқаради. Ушбу икки ГЭС Канаданинг энг йирик ГЭСлари ҳисобланади. Шу билан бирга, Робер-Бурасса гидроэлектр станцияси ер остида бунёд этилган жаҳоннинг энг йирик ГЭС ҳисобланади.

Бошида La Grande-2 остида машҳур бўлган ушбу ГЭС икки маротаба (1970–1976 ва 1985–1994 йилларда) Квебек бош вазири бўлган Робер Бурасса номига қўйилган. ГЭС Квебек бош вазири Рене Левеск томонидан 1979 йил 27 октябрда очилган. Унинг очилишида 3000 дан ортиқ киши иштирок этган.

Ушбу ГЭС Жеймс кўрфазининг асосий объекти бўлиб, йирик гидроэлектр комплекси ҳамдир.

Электр станцияси, тўғон ва сув омборини қуриш ишлари 1970 йил октябрида бошланган ва Hydro-Québec компаниясининг буюртмаси асосида Rousseau Sauvé Warren (RSW) муҳандислик фирмаси томонидан Ла Гранд дарёсида гидроэнергия ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича асослари тайёрлаб берилган. Asselin, Benoît, Boucher, Ducharme & Lapointe (ABB DL) фирмаси эса лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини тайёрлаш билан шуғулланди.

Асосий тўғон дарё бошланишидан 117,5 км юқорида жойлашган ва баландлиги 162 м.ни ташкил қилади. Сув омборини турли ҳажмдаги 29 та тўғон ўраб туради. Тўғонлар 3 гуруҳга ажратилган:

D1-D4 тўғонлар гуруҳи – улкан одамлар зинапояси номини олган бўлиб, шимолий қисмда жойлашган;

D5-D14 (Форбай) тўғонлар гуруҳи – дарёнинг чап соҳилида жойлашган;

D17-D27 тўғонлар гуруҳи – Дункан тўғонлари

номи билан машҳур бўлиб, жанубда ўрнатилган.

Сув омборининг майдони 2835 км² ва сувни қабул қилиш ҳажми 19,365 млрд. м³ ни ташкил қилади.

ГЭС генерация станциясининг ўзи асосий тўғондан 6 км қуйироқда 137,2 м чуқурликда – ер остида жойлашган. ГЭСда Френсис маркасидаги 16 та турбина ўрнатилган, улар икки гуруҳга бўлиниб, ҳар бирида 8 та турбина жойлаштирилган.

1978 йил 27 ноябрда сув ўтказиш туннеллари ёпилди ва тўғон билан ҳосил бўлган сув омборидаги сув йиғилишни бошлади. Уни тўлдириш учун бир йилдан кўпроқ вақт кетди. 1979 йил декабрда сув омборидаги сув 175,3 м га кўтарилди.

Дункан тўғонларининг қурилиши жараёнида Робер-Бурасса сув омборидан жануби-шарқда оқиб ўтувчи Дессауль дарёси оқимини қисман ёпилиб қолиши хавфи пайдо бўлади. Дарё қуйироқдаги шу номдаги кўлга қуйиларди. Қўшимча 30 км² ернинг сув остида бўлишини олдини олиш ва кўлни ўз табиий ҳолатида сақлаб қолиш мақсадида насос станцияси бунёд этилади. У Дессауль дарёсидаги сувни 4 та насос ёрдамида Робер-Бурасса сув омборига ўтказиб боради. Бу насос станцияси 1977 йилда ишга туширилади. Ҳар бир насос қуввати 1120 кВт бўлган двигатель ёрдамида ишга туширилади.

ГЭСнинг ер ости мажмуасига хизмат туннели, генератор хонаси қиради. Электр станцияга туннел ёки лифтда етиб бориш мумкин. ГЭСнинг 1, 3, 5, 7, 10, 12, 14 турбиналари ва 16 блоклари Marine Industries Limited фирмаси томонидан, 2, 4, 6, 8, 9, 11, 13 ва 15 блоклари Canadian General Electric (генераторлар) ва Dominion Engineering Works (турбиналар) томонидан етказилган. Ушбу икки гуруҳ ўртасида фарқлар мавжуд. Marine Industries Limited фирмаси томонидан ишлаб чиқилган турбиналар 96 тоннали, парраклари 15 та. Иккинчи гуруҳ турбиналари вазни 111 тоннали ва парраклар сони 11 та.

Ҳар бир турбина 137 м баландликдаги босимда ва 133,33 айл./мин.да 339 МВт қувватга, генераторлар 370 мегавольт-амперга (қишда 390 МВА) мўлжалланган.

Робер-Бурасса сув омбори денгиз сатҳидан 175 м баландликда жойлашган бўлиб, XX асрнинг 70-йиллар ўрталарида бунёд этилган. Юқорида қайд этилганидек, Робер-Бурасса ва Ла-Гранд-2-А ГЭСлари томонидан электр энергиясини ишлаб чиқариш учун қурилган. Бу сув омбори ҳажми 61,7 км³ бўлиб, унинг 19,4 км³ гидроэнергия ишлаб чиқариш учун ишлатилади. Сув омбори ҳажми жиҳатидан дунёда 15-ўринда туради. Сув омборининг ғарбий томонида Радиссон шаҳарчаси жойлашган бўлиб, унинг аҳолиси ГЭС ва ушбу сув омборида ишлайди.

Тери гидроэлектр станцияси

Шохрух ҚУРБОНОВ,
“Ўзбекгидроэнерго” АЖ етакчи мутахассиси

Ҳиндистоннинг йирик ГЭСлардан бири ҳисобланган Тери гидроэлектр станцияси мамлакат шимолидаги Уттар-Прадеш штатида бунёд этилган.

Ҳиндистоннинг умумий майдони 3,2 млн. км.кв.ни ва доимий аҳолиси сони тахминан 1,3 млрд. кишини ташкил этади. Бу мамлакат дунёда аҳолиси сони жиҳатидан иккинчи ва ҳудуди майдони катталиги жиҳатидан еттинчи ўринда туради.

Мамлакат ички сувлари қўплаб дарёлардан иборат. Йилнинг июнь-октябрь ойлари мамлакатда ёгингарчилик мавсуми ҳисобланади. Мавсум давомида дарёлар суви қўпайиб, тошқинларга сабаб бўлади. Бироқ, мамлакатда ёнгиргарчилик кам бўладиган ва сувсизликдан азият чекадиган ҳудудлари ҳам кам эмас. Яъни, мамлакатнинг барча ҳудудларида ҳам гидроэнергетикадан фойдаланиш имконияти мавжуд эмас.

Ганг дарёсининг асосий ирмоғи бўлган Ҳиндистоннинг афсонавий подшоси номини олган серунум дарёларидан бири бўлган Бхагиратхида ГЭСлар каскади бунёд этилган. Шулардан бири Тери ГЭС улкан салоҳиятга эга ҳисобланади.

Бугунги кунда Тери ГЭСнинг мулкдори Tehri Hydro Development Corporation (THDC Ltd) дир.

ГЭС тўғони ва ер ости гидроиншоотлари 1992-2008 йилларда “Гидропроект” бош пудратчилигида Россиянинг “Технопромэкспорт” компанияси томонидан қурилган. Лойиҳа бош муҳандиси – РФда хизмат кўрсатган энергетик



Асосий характеристикаси	
Қурилиш бошланган сана	1978 й.
Агрегатларни ишга тушириш санаси	2006, 2007 йй.
Йиллик ишлаб чиқариш қуввати	3470 млн. кВт.с
ГЭС тури	Тўғонли, ГЭС биноси ер остида жойлашган
Ҳисоб-китоб қилинган босим	188 м
ГЭС қуввати	1000 МВт
Турбина тури	Радиал-ўқли
Турбина сони ва маркаси	PO230-B410
Турбина орқали сув ўтказиш сарфи	146 м³/с
Генераторлар сони ва маркаси	СВ870/275-28ТВ4
Генераторлар қуввати	4×250 МВт
Тўғон тури	Тош билан тўлдирилган
Тўғон баландлиги	260 м
Тўғон узунлиги	575 м

Финк Александр Константинович ҳисобланади.

Тери ГЭС тўғони баландлиги жиҳатдан Осиёда 8- ва жаҳонда 10-ўринда туради ҳамда Ҳиндистонда бу борада пешқадам тўғонга эга ҳисобланади.

Гидроузелнинг ўзига хос хусусияти шундаки, иншоотнинг машина зали ва трансформатор жойлашган хоналари ер сатҳидан 300 м. чуқурликда жойлашган. Шунингдек, ГЭСга яқин жойдан ГАЭС ҳам қурилаётган бўлиб, улар биргаликда ягона комплекс бўлиши режалаштирилмоқда.

Асосий гидроиншоотлар қуйидагилардан иборат: тўғон, сув ўтказиш йўлаги, 4 та шахтали сув ўтказиш йўлаги, сув қабул қилиш ҳавзаси, 2 та ер ости туннели, машина зали, умумий трансформатор зали, ГЭСдан сувни олиб чиқиш туннеллари, тақсимловчи қурилма – 400 кВ, электр ўтказиш линияси, ёрдамчи иншоотлар: қурилиш, транспорт, кириш бинолари ва ҳ.к.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ҳиндистон, шу жумладан, Уттар-Прадеш штати аҳолиси-



нинг тез ўсиши билан электр энергияга бўлган талаб ҳар йили тахминан 10 фоизга ўсиши кузатишда. Шу сабабли, штатда қўшимча электр энергия манбаларини аниқлаш талаб этилмоқда. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, қишда электр энергияга талаб ёздаги талабга нисбатан 15-25 фоизга ортади. Шу билан бирга, кунлик эҳтиёжни тақсимланиши тизимлаштирилмаган эди. Тери ГЭСнинг ишга туширилиши ўз навбатида энергия эҳтиёжини турли мавсумда, кунлик вақтларда бошқариш имкониятини берди.

XX асрнинг 60-йилларида ҳудудда қўшимча гидроэнергия манбаларини аниқлаш бўйича дастлабки тадқиқот ишлари олиб борилди. Шу каби лойиҳалардан бири 1972 йилда станция қувватини 600 МВт гача оширишга қаратилган эди. Қурилиш ишлари 1978 йилда бошланиб, дастлабки йилларида бир қатор жамоат бирлашмалари жиддий қаршилик кўрсатади. Хусусан, 1978 йилнинг ўзидаёқ “Тери тўғони қурилишига қарши қўмита” (Committee to Oppose the Tehri Dam) ташкил қилинади. Ушбу қўмитанинг босими остида ГЭС қурилиши лойиҳаси бир неча бор қайта кўриб чиқилди ва ҳаттоки, 1980 йилда эса лойиҳа умуман музлатиб қўйилади. 1987 йилда Ҳиндистон атроф-муҳит вазирлиги қўмитаси томонидан лойиҳа хавфсизлик ва ижтимоий жиҳатдан қайта кўриб чиқилиб, уни амалга ошириш мақсадга мувофиқ эмас, деб топилади. Бироқ, Ҳиндистон ҳукумати ушбу қўмитанинг қарорини эътиборга олмайди.

1988 йилда Тери ГЭСнинг янги лойиҳасини ишлаб чиқиш бошланиб, мазкур лойиҳани амалга оширишда Собик Иттифоқнинг иштироки ҳам назарда тутилди. Ўрнатилган қуввати 1000 МВт бўлган лойиҳа 1992 йилда тайёр бўлди. Режага қўра, инфратузилма қурилиши

учун икки йил, асосий иншоотлар қурилиши учун эса 7 йил ажратилиб, агрегатларни 1997-1998 йилларда ишга тушириш белгиланди.

Қурилишнинг 75 фоизи Ҳиндистон федерал бюджети ҳамда 25 фоизи эса Уттар-Прадеш штати бюджети ҳисобидан молиялаштириб борилди. Дарёни тўлиқ тўсиш ишлари 1996 йилдан бошлаб олти йил давомида амалга оширилди. 2002 йилда тўғон қурилиши тўлиқ якунланиб, сув омборини тўлдириш бошланди.

Ҳудуднинг жўғрофий жойлашуви, ер қатлами ноқулайлиги, сейсмик зонаси, тоғлардан тош тушиши, ёғингарчилик каби бир қатор омиллар сабабли иккита гидроагрегат режалаштирилганидек 1997 йилда эмас, балки 2003 йил август ойида фойдаланишга топширилди.

Қурилиш даврида сув омбори ҳудудидан 100 мингдан ортиқ киши бошқа жойларга кўчиртилди. Шунингдек, 600 км электр ўтказиш линияси ўрнатилди.

Тўғон қурилиши 2006 йилда якунланиб, гидроагрегатларнинг тижорат мақсадларида ишга тушиши 2006-2007 йилларда амалга оширилди.

Тери гидроэнергетик комплекси Ҳиндистоннинг шимоли-шарқий ҳудудларини электр энергияси, ичимлик суви билан таъминлаш, шунингдек, ирригация тизимини яхшилашга қаратилган. Комплексининг ишга тушиши мамлакат шимоли-шарқий ҳудудларининг иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, бугунги кунга келиб, Тери ГЭС комплекси таркибига ҳар бирининг қуввати 100 МВт бўлган 4 та энергоблок Котешвар ГЭС, ҳар бирининг қуввати 250 МВт бўлган 4 та энергоблок ГАЭС ҳам киради.

Тўлқинли электр станцияси

Акмаль САМЕДЖАНОВ,

"Ўзбекгидроэнергетика" журнали Таҳрир ҳайъати аъзоси

Тўлқинли электр станция (ТЭС) – сув муҳиtida ўрнатилган электр станция бўлиб, унинг мақсади сув тўлқинлари кинетик энергиясидан электр энергия олишдан иборат. Жаҳонда тўлқинларнинг энергетик салоҳияти 2 тераваттдан юқори деб баҳоланмоқда. Бир метр баландликдаги тўлқин 15 кВт, 2 метрдан баланд тўлқин эса 80 кВт электр энергия бера олади.

1799 йилда Парижда тўлқинда ишлайдиган тегиримонни патент қилиш бўйича биринчи ариза топширилади. XIX аср охирида тўлқин энергиясидан электр энергия ҳосил қилишга қаратилган кўплаб тажрибалар ва синовлар ўтказилади. 1973 йилда нефть инқирози бошланганидан сўнг, тўлқин энергиясидан электр энергия олишга бўлган қизиқиш янада ортди. 2008 йилда биринчи тўлқин электр станцияси тижорат мақсадларида фойдаланишга топширилди.

Биринчи тўлқин электр станцияси Португалиянинг Агусадора туманида қирғоқдан 5 км узоқликда жойлашган. Бу электр станция расман 2008 йил 23 сентябрда очилган ва унинг ўрнатилган қуввати 2,25 МВт га тенг. Бу қувват атрофдаги 1600 га яқин хонадонни электр энергия билан таъминлашга етмоқда.

Электр станция лойиҳаси Шотландиянинг Pelamis Wave Power компаниясига тегишли. Мазкур компания 2005 йилда Португалиянинг энергия соҳасидаги Eversis компанияси билан шартнома тузиб, мамлакатда биринчи тўлқинли электр станциясини қуриш бўйича мажбуриятларни ўзига олди. Шартнома қиймати 8 млн. еврога баҳоланди.

Электр станция 3 та қурилмадан иборат бўлиб, улар йирик илон сифат сузиб юривчи объектга ўхшатилади. Қурилмалар Pelamis P-750 деб юритилади. Ҳар бирининг ўлчамлари қуйидагича:

- узунлиги – 120 м;

- диаметри – 3,5 м;
- оғирлиги – 750 тонна.


Ушбу қурилманинг ҳар бири ишлаб чиқариш қуввати 750 КВт га тенг. Конструкциянинг m^3 майдони 1 кВт/тонна ва 650 Вт ишлаб чиқаради. Тўлқинланиш энергиясининг 1% электр энергияга айланади.

Pelamis P-750 секциялардан иборат, ҳар бир секция ўртасида гидравлик поршинлар мустаҳкамланган. Ҳар бир секция таркибида гидравлик двигатель ва электр-генератор жойлаштирилган. Тўлқинлар таъсирида конвертерлар сув устида ҳаракатланади ва сув таъсирида букилади, шу боис мазкур конструкциялар "денгиз илонлари" ("sea-snake") номини олди. Ушбу ҳаракатлар, ўз навбатида, гидравлик поршинларни ишлашга келтиради, улар эса мойни ҳаракатга келтиради. Мой гидравлик двигателлар орасидан ўтади. Ушбу гидравлик двигателлар электр энергия ишлаб чиқарадиган электр генераторларни ҳаракатга келтиради.

Келгусида мавжуд 3 та конвертерга яна 25 та шундай қурилмани қўшиш режалаштирилмоқда. Бу эса қувватни 2,25 МВт дан 21 МВт га ошириш имкониятини беради. Бу қувват 15 000 хонадонни электр энергия билан таъминлашга ва йилига 60 000 тонна зарарли газларни чиқаришни қисқартиришга имкон беради.

Бутунги кунда тўлқинли электр станция қувватини ошириш борасида кўплаб мамлакатларда изланишлар олиб борилаётган бўлиб, янги лойиҳалар синовдан ўтказилмоқда. Хусусан, Россия, Франциядаги изланишлар фаол олиб борилаётганлигини таъкидлаб ўтиш мумкин. Масалан, Буюк Британияда қуввати 20 МВт га тенг бўлган Wave Hub тўлқинли электр станция қурилиши бошлаб юборилган. 64 миллион еврога баҳоланган ушбу лойиҳани молиялаштиришда Буюк Британия ҳукумати, Европанинг бир қатор жамғармалари ва саноат компаниялари иштирок этмоқда. Бу электр станция ҳам денгизда ўрнатилмоқда ва у қирғоқ билан кабели ёрдамида боғланади. Электр станция ўрнатилган денгиз чуқурлиги 50 м.ни ташкил қилмоқда. Электр станция учун ажратилган ҳудуд майдони 8 км². Ҳукумат денгизни бўлиб, тадбиркорларга топширади, улар белгиланган ҳудудда тўлқинли электр станцияни ишга тушириб, электр энергия ишлаб чиқарилишини таъминлайдилар ва қирғоққа узатадилар. Бу лойиҳани амалга ошириш учун 4 та ҳамкор аниқланди ва уларнинг ҳар бири 5 МВт дан электр энергия ишлаб чиқариши белгиланди.

Тўлқинли электр станцияларнинг салбий томони шундаки, кучли тўлқинлар электр станциялар конструкцияларини буздириб юбориш имконияти катта, ҳатто пўлатдан ياسалган турбиналар паратги ҳам қийшайиб кетади ёки узилади. Шу боисдан, тўлқиндан олинadиган қувватни сунъий равишда камайтириш усуллари қўлланилиб келинади. Салбий томонидан яна бири, балиқчилар учун балиқ овлаш маконининг камайиши, денгизда сузиб юривчилар учун бошқа хавфлар келтирилади.



Шамол электр станцияси

Бехзод НАРИМАНОВ,
“Ўзбекгидроэнергетика” журнали масъул муҳаррири

Шамол электр станцияси – бу бир нечта шамол электр қурилмаларининг бир жойда ёки бир нечта манзилда ўрнатилган ва бир тармоққа уланган электр станцияси.

Йирик шамол электр станциялари 100 ва ундан ортиқ шамол электр қурилмаларидан иборат бўлади. Ғарбий Европада шамол электр станциялари “шамол фермалари” деб юритилади.

Биринчи шамол электр станцияси Блит тегирмони номини олган бўлиб, 1887 йилда Буюк Британиянинг Мэрикирки деб номланган манзилида Блит дала ҳовлисида бунёд этилган. Чархпалагининг диаметри – 9 метрга тенг бўлган.

Жеймс Блит (1839-1906) шотландиялик муҳандис-электрик бўлиб, Андерсон академик коллежи (бугун Глазгодаги Стратклайд университети) профессори эди. У шамол энергиясидан электр энергия олиш бўйича биринчи олимлардан ҳисобланади. Шамол турбинасини яратиб, уни дала ҳовлини ёритишга ихтисослаштира олди. Бу қурилма шамол энергиясидан электр энергия ишлаб чиқарувчи илк ишланма эди. Сўнг у ушбу қурилмасини патентлаштирди, такомиллаштирди, у бунёд этган кейинги шамол турбинаси маҳаллий касалхона, ақли заифлар уйи ва амбулаторияни электр энергия билан 30 йил давомида таъминлаб турган. Бироқ, ўша даврларда шамол энергиясидан фойдаланган ҳолда электр энергияни ишлаб чиқариш иқтисодий жиҳатдан мақсадсиз деб топилган ва 1951 йилгача шамол турбиналарини қурилмаганди.

Шу билан бирга, бу даврда, аниқроғи 1888 йилда америкалик Чарльз Браш автоматик бошқариладиган шамол қурилмасини яратади. Унинг



ротори диаметри 17 метрга тенг бўлган.

Шамол электр қурилмаси ҳамма жойда ҳам талаб даражасида ишламайди. Бунинг учун муайян шамол тезлиги керак. Шамол тезлиги ўртача 4,5 м/с ва ундан юқори бўлиши зарур.

Шамол электр қурилмасини ўрнатишдан олдин маҳаллий ҳудудда шамол тезлиги тадқиқ этилади, қурилма ўрнатиладиган жой зичлиги таҳлил этилади. Тадқиқот ишларида анемометрлардан фойдаланилади. Бу асбоб газ, ҳаво тезлигини ўлчаш учун ишлатилади. Метеорологияда шамол тезлигини ўлчаш учун қўлланилади. Анемометр 30-100 метр баландликда ўрнатилади ва 1-2 йил давомида шамол тезлиги, йўналиши тўғрисида маълумот йиғиб борилади. Тўпланган маълумотлар махсус дастур орқали харитага бирлаштирилади ва шамол энергияси ҳудудлар бўйича тақсимланиши ва салоҳияти белгиланади.

Метеорологиянинг оддий маълумотлари шамол электр қурилмасини ўрнатиш учун асос бўла олмайди. Чунки бу маълумотлар 30 метргача бўлган баландликкача йиғилган.

Кўпгина мамлакатларда шамол карталари давлат тузилмалари иштирокида ёки уларнинг асосий кўмаги остида шакллантирилади. Айрим мамлакатларда шамоллар харитаси ҳам тайёрланган, компьютар модели асосида шамол электр қурилмаси салоҳияти ва истиқболи таҳлил этилади ва шундан сўнггина қурилмани бунёд этиш ёки бунёд этмаслик юзасидан қарор чиқарилади. 2005 йилда БМТ Ривожланиш Дастури асосида 19 та ривожланаётган мамлакатлар учун шамоллар харитасини ишлаб чиқди.

Баландлик қанчалик юқори бўлса, шамол тезлиги ҳам шунчалик юқори бўлади. Шу боисдан, шамол электр қурилмаларини асосан тепаликларда, тоғларда бунёд этишади. Генераторлар ўзлари эса 30-60 метрлик минораларда ўрнатилади.

Шамол электр қурилмаларини бунёд этишда шамол генераторларининг атроф-муҳитга таъсири ҳам эътиборга олиниши зарур. Ўз навбатида, ушбу қурилмалар ишлаётганида баланд товуш чиқаради. Шу боисдан, Буюк Британия, Германия, Нидерландия, Данияда ишлаётган бундай қурилмалар товуши кундузи 45 дБ ва кечаси 35 дБ дан ошмаслиги бўйича норматив чекловлар қабул қилинган. Шу қаторда, қурилма ва уй ўр-



тасидаги масофа 300 метрдан кам бўлмаслиги кераклиги белгиланган.

Шу билан бирга, қушлар мавсумий кўчиши даврида шамол электр энергия қурилмалари фаолияти вақтинчалик тўхтатилади.

Саноат шамол генераторини 7-10 кунда ўрнатиш мумкин. Бироқ, ушбу йўналишда тартибга солувчи органларнинг тегишли рухсатини олиш учун бир неча йил керак бўлади.

Қурилмани қуриш учун қурилиш майдончасини тайёрлаш, унга олиб боровчи йўлни қуриш, оғир юкни баландликка кўтарувчи техника керак бўлади. Қурилма гандоллари ўртача 50 метр баландликка кўтарилади. Электр станция электр тармоқ билан кабель ёрдамида уланади.

Бугунги кунда дунёдаги энг йирик шамол электр станцияси АҚШнинг Калифорния штатидаги Альта электр станцияси ҳисобланади. Унинг қуввати 1550 МВт га тенг.

Шу билан бирга, бундай қурилмалар нафақат тепаликларда, балки қирғоқдан узоқ бўлмаган майдонларда – денгиз ва океанларда ҳам ўрнатилиб келинмоқда.

Умуман олганда, шамол электр станциялари 6 та турга бўлинади:

- 1) Ерда ўрнатилган ШЭС;
- 2) Қирғоқ бўйида ўрнатилган ШЭС;
- 3) Шельфда ўрнатилган ШЭС;
- 4) Сузувчи ШЭС;
- 5) Учиб юривчи ШЭС;
- 6) Тоғда ўрнатилган ШЭС.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ШЭСни лойиҳалаштириш ва қуриш қиммат ҳисобланади. Таъмирлаш ишлари ҳам катта харажатларни талаб қилади.

Бугунги кунда, юртимизда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги Юбилей қўрғонига экологик тоза электр энергиясини ишлаб чиқаришга мўлжалланган “Ўзбекгидроэнерго” АЖ тизимидаги тажриба шамол энергетик қурилмаси (ШЭҚ) ўрнатилган бўлиб, шамол қувватидан

фойдаланган ҳолда электр энергия ишлаб чиқаради. 2017 йил сентябрь ойидан эътиборан, эксплуатация қилинаётган ушбу қурилманинг ўрнатилган қуввати – 750 кВт.соат га тенг. Таъкидлаш жоизки, белгиланган жадвалга асосан ҳар йили шамол энергетик қурилмасида ярим йиллик ҳамда йиллик таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Навбатдаги йиллик таъмирлаш ишлари жорий йилда 6 кун давомида амалга оширилиб, қурилманинг техник ҳолати кўздан кечирилди. Аниқланган барча носозликлар ва камчиликлар бартараф этилди. Ҳозирда шамол энергетик қурилмаси тўла қувват билан ишламоқда.

Бу йўналишдаги ишларни ривожлантириш мақсадида шамол энергиясидан фойдаланиб, электр энергия ишлаб чиқариш салоҳияти юқори бўлган ҳудудлар таҳлил этиб борилмоқда. Хусусан, Бухоро ҳамда Навоий вилоятларининг Пешку, Ғиждувон ва Конимех туманлари умумий қуввати 1000 МВт бўлган 2 та шамол электр станцияларини қуриш учун танланди.

2019 йилнинг 20 сентябрида Тошкент шаҳрида ўтказилган Энергетика Инвестицион форумида Энергетика вазирлиги ва Саудия Арабистонининг ACWA Power компанияси ўртасида қуввати 500 МВт.дан 1000 МВт.гача бўлган шамол электр станцияси қуриш бўйича келишув имзоланган эди. Бу келишув доирасида 2020 йилнинг 5 март кунини Энергетика вазирлиги ва ACWA Power компанияси ўртасида Ўзбекистонда шамол электр станциясини қуриш лойиҳасини амалга ошириш келишуви имзоланди. Лойиҳанинг умумий қиймати 1 млрд. АҚШ долл. деб баҳоланмоқда.

Қайд этилишича, ҳозирда танланган ер майдонларида шамол кўрсаткичларини аниқлаш учун юқори малакали маҳаллий ва хорижий мутахассислар жалб қилинган бўлиб, улар томонидан шамол ўлчаш ускуналари ўрнатилмоқда. Ушбу ускуналар 100 метр баландликда бўлиб, шамолнинг тезлиги, йўналиши, давомийлиги ва бундан ташқари, об-ҳаво маълумотларини ўлчайди ва сақлаб боради.

Бугунги кунда, ACWA Power компанияси (Саудия Арабистони) Пешку, Ғиждувон туманларида шамол энергияси салоҳиятини ўрганиш учун режалаштирилган 18 та метеорологик мачтадан 10 тасини ўрнатди. Ҳудудда шамол энергия салоҳиятини ўрганиш 2020 йил август ойидан бошланган бўлиб, 12 ой давом этади. Махсус датчиклар 11 метр баландликда ўрнатилмоқда. Улар шамол тезлиги, йўналиши ва давомийлигини, шунингдек, об-ҳавонинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилади. Бу орқали, станция қуриш учун ажратилган ҳудудларнинг шамол салоҳияти изчил ўрганилади.

АО «Узбекгидроэнерго» первая среди производственных предприятий республики получила кредитный рейтинг международного рейтингового агентства “Fitch Ratings”

Несмотря на пандемию коронавируса, которая охватила весь мир, а также ее негативные последствия и на экономику нашей страны, в результате эффективных мер, предпринимаемых Правительством республики, обеспечено дальнейшее развитие экономики. Экономический рост страны подтверждают также международные рейтинговые агентства “Fitch Ratings” и “Standard and Poor’s”, которые представили Республики Узбекистан оценку суверенного кредитного рейтинга соответственно «BB-» (стабильное) и «B+» (стабильное).

В то же время, АО «Узбекгидроэнерго» ведется активная работа по реализации задач, поставленных в постановлениях Президента Республики Узбекистан от 21 июля 2018 г. № ПП-3877 «О дополнительных мерах по диверсификации источников внешнего финансирования» и от 24 февраля 2020 г. № ПП-4611 «О дополнительных мерах по переходу на международные стандарты финансовой отчетности».

В частности, в марте месяце 2020 г. в исполнительном аппарате АО «Узбекгидроэнерго» создан отдел «Международные стандарты финансовой отчетности» (МСФО), на основе международных стандартов организована аудиторская проверка финансовой деятельности АО «Узбекгидроэнерго», в работу которой привлечена международная аудиторская организация “PricewaterhouseCoopers”, которая входит в лидирующую «четвертку» аудиторских организаций мира.

В результате активных работ в этом направлении в октябре месяце 2020 г. АО «Узбекгидроэнерго» и ее подструктурные предприятия получили положительное заключение международной аудиторской организации “PricewaterhouseCoopers” по «первому внедренному» консолидированному финансовому отчету, подготовленному на основе МСФО за отчетную деятельность 2017-2019 гг.

В целях определения финансовой стабильности и инвестиционной привлекательности АО «Узбекгидроэнерго» в июне т.г. было подписано соглашение с международным рейтинговым

агентством “Fitch Ratings”, который входит в «тройку» лидирующих аудиторских организаций мира, о получении международного кредитного рейтинга Акционерным обществом.

Международное рейтинговое агентство “Fitch Ratings” не только изучило финансово-экономическое положение АО «Узбекгидроэнерго», но и глубоко проанализировала ее систему корпоративного управления, стратегию ведения бизнеса, введение внутренних нормативных документов и других направлений деятельности.

Благодаря самоотверженному и эффективно-му труду тысячи рабочих отрасли, глубокому анализу деятельности предприятий и справедливой оценки рейтингового агентства, накануне АО «Узбекгидроэнерго» первая среди производственных предприятий республики получила уровень «B+» (стабильное) международного рейтингового агентства “Fitch Ratings”.

Данный рейтинговый уровень представит АО «Узбекгидроэнерго» мировому рынку знаменитых инвесторов как первое узбекское производственное предприятие, имеющее точную и открытую бизнес стратегию, прозрачную финансовую отчетность и систему сильного корпоративного управления.

Это достижение послужит дальнейшему повышению экономической устойчивости АО «Узбекгидроэнерго» в будущем и позволит привлечь прямые иностранные инвестиции без государственных гарантий при реализации инвестиционных проектов.

В то же время, рейтинговый уровень «B+» (стабильное), предоставленное международным рейтинговым агентством “Fitch Ratings”, в будущем предоставит возможность нашему Акционерному обществу размещать свои евробонды на Лондонской фондовой бирже.

Этим достижением АО «Узбекгидроэнерго» не ограничивается и в будущем продолжит последовательную и активную работу по дальнейшему повышению своего рейтинга и поддержанию его стабильности.

Информационная служба
АО «Узбекгидроэнерго»

В Узбекистане пройдет большая конференция в сфере гидроэнергетики

Как известно, 17-18 февраля 2021 г. в г.Ташкенте запланировано проведение 5-ой традиционной конференции и выставки, которая организуется уже пятый год, на тему “Гидроэнергетика. Центральная Азия и Каспий”. Следует отметить, что данное мероприятие является первой крупной международной конференцией в области гидроэнергетики в нашей стране.

Данная конференция является площадкой для обмена опытом, органического сотрудничества и диалога о развитии и прогрессе гидроэнергетики в регионах, строительстве, модернизации гидроэнергетических объектов, проблемах и перспективах отрасли.


Основные участники данной конференции – представители Центральной Азии и Каспийского региона – Узбекистана, Таджикистана, Казахстана, Кыргызстана, Азербайджана, Ирана, Армении, России, Грузии и Турции.

Главным стратегическим партнером конференции, запланированной на февраль 2021 года, является АО «Узбекгидроэнерго».

Вчера прошел онлайн-вебинар, посвященный организационным вопросам подготовке к этой международной конференцией.

Ожидается, что в работе конференции примут участие представители более 150 стран мира.

Необходимо отметить, что данное мероприятие проводится ежегодно с целью организации масштабных совместных работ в области гидроэнергетики, внедрения новых инновационных технологий в этой области и активного привлечения иностранных инвесторов, для дальнейшего укрепления партнерских отношений.



От имени нашей страны АО «Узбекгидроэнерго» регулярно и активно участвует в этой традиционной конференции.

Данная конференция будет проводить свою работу по следующим направлениям:

- опыт строительства больших средних гидроэлектростанций;
- практическая работа по модернизации действующих ГЭС;
- строительство малых и микроГЭС;
- оцифровка действующих ГЭС;
- модернизация и техническое перевооружение оборудования ГЭС, эффективные системы управления производственными активами;
- разработка и оптимизация стратегий цифровизации и автоматизации гидроэлектростанций;
- совершенствования системы диагностики и мониторинга объектов;
- локализация производства и др. вопросы.

На онлайн встрече, посвященной подготовке к конференции, от АО «Узбекгидроэнерго» принял участие начальник отдела по работе с международными финансовыми организациями, организации подготовки, экспертизы и утверждения ТЭО Х.Хасанов. Он проинформировал участников онлайн-вебинара о подготовительных работах к конференции и реализации инвестиционных проектов АО «Узбекгидроэнерго».

На вебинаре также обсуждались вопросы, связанные с поддержкой государством реформирования гидроэнергетической отрасли, разработка и внедрения новых перспективных проектов.

Также на вебинаре предоставлена информация о успешных проектах, реализуемых в Узбекистане, в том числе о строительстве Камчикской МГЭС, Зарчобской ГЭС-1, которые запланировано сдать в эксплуатацию в этом году, а также о проектно-исследовательской работе Муллалакской большой ГЭС.

Эти проекты, реализуемые АО «Узбекгидроэнерго», вызвали большой интерес у участников конференции.

В ходе мероприятия были даны подробные ответы на вопросы участников вебинара.

Информационная служба
АО «Узбекгидроэнерго»

Гидроэнергетика фидойиси

Тобора шиддат билан ривожланаётган соҳалар каби гидроэнергетика соҳасининг алоҳида тармоқ сифатида ягона тизимда фаолият юритиши янги даврни бошлаб берди.

Соҳа ривожини учун қарийб ярим асрдан кўпроқ вақт мобайнида ўз ҳиссасини қўшиб келаётган соҳа фидойиларидан бири Митюлева Валентина Вадимовнадир. Валентина Митюлева 1952 йил 1 майда Россия Федерациясининг Курск шаҳрида таваллуд топган. У гидроэнергетика соҳасининг юраги ҳисобланган “Гидропроект” АЖ да ўз фаолиятини юритиб келмоқда.

Валентина Митюлева 1969 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш муҳандислари институтига ўқишга кириб, 1974 йилда институтни муваффақиятли тамомлаган. Иш фаолиятини бошлаган даврдан то ҳозирги кунга қадар “Гидропроект” АЖ турли лавозимларида давом эттириб келмоқда. Ҳозирги кунда “Гидротехника” бўлими бошлиғи лавозимида фаолият юритмоқда.

Валентина Митюлева фаолияти давомида Сурхондарё вилоятида жойлашган Тўпаланг ГЭС, Андижон вилоятидаги Андижон-2 кичик ГЭС, Самарқанд вилоятида Дарғом каналидаги Шаудар кичик ГЭС, Дарғом канали 135+0 пикетида кичик ГЭС, Наманган вилояти Оҳангарон дарёсида Қамчик кичик ГЭС, Тошкент вилояти Пскем дарёсида қад ростлаётган “Пскем” ГЭС, Наманган вилояти Оҳангарон дарёсида Қамчик кичик ГЭС қошида қурилиши режалаштириляётган Ургут кичик ГЭС, Андижон вилоятида Қорадарё каналидаги Андижон ГЭС-1 нинг модернизациясини, Хоразм вилояти Султонсанжар сув омборидаги Туямўйин гидроузелини, шунингдек, Тошкент вилоятидаги Янгиангрэн иссиқлик электр станцияси, А-373 автомагистралининг 227-228 (150-151) км қисмини таъмирлаш лойиҳаси, “Ангрэн-Поп” электрлаштирилган темир йўл линияси лойиҳаси, Навоий вилояти Нурота туманидаги Сентябрьсой сув омборининг 2-босқич қурилиши лойиҳаларини муваффақиятли лойиҳалаштирган.

Албатта, бу каби йирик лойиҳаларни нафақат юртимизда, балки бошқа давлатларда қурилган ГЭСларда ҳам лойиҳалаштириш ишларини фаол ва самарали олиб борганлигини ифтихор билан эътироф этиш лозим.

Хусусан, Валентина Митюлева Тожикистон Республикасининг йирик гидротехник иншоот-



лари “Нурек” ва “Роғун” ГЭСлари ҳамда Сангуд тўғони лойиҳа ишларида бошчилик қилган.

Валентина Митюлевани ўз касбининг ҳақиқий устаси, десак муболаға бўлмайди. 20 дан ортиқ шогирдларнинг устози бўлган бу қаҳрамон аёл лойиҳалаштириш борасида ноёб мутахассислардан ҳисобланади. Валентина Митюлеванинг сабоғини олган шогирдлари бугунги кунда соҳанинг турли йўналишларида самарали меҳнат қилиб келмоқдалар.

Албатта, Валентина Митюлева томонидан лойиҳалаштирилган ГЭСлар бугун аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан қуриляётган ва модернизация қилинаётган гидротехник иншоотларнинг лойиҳа ишлари у инсонинг кўмагисиз лойиҳалаштирилмайди, десак муболаға бўлмайди. Табиатан босиқ, ўз касбининг фидойиси Валентина Митюлева 2019 йил Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси томонидан “Мўътабар аёл” кўкрак нишони билан тақдирланган. Жамият Бошқаруви раиси томонидан кўплаб фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган.

Валентина Митюлева нафақа ёшига етиб, пенсияга чиққанлигига қарамай, унинг шогирдлари илмий ва амалий тажрибасидан самарали фойдаланиб, амалий маслаҳатлар олишади.

Албатта, бу каби соҳа фидойиларининг самарали меҳнат фаолияти ёшлар учун намунали ибрат мактабидир.

**“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
матбуот хизмати**

Гидроэнергетика тизимидаги асосий тушунчаларга доир

Гидроэнергетик қурилма (ГЭҚ) – сув оқими энергиясини электр энергияга ёки, аксинча, электр энергияни механик энергияга айлантиришга мўлжалланган.

Гидротехник қурилма гидротехник иншоотлардан, энергетик ва механик асбоб-ускуналардан иборат бўлади. Асосан қуйидаги гидроэнергетик қурилмаларни ажратиб кўрсатадилар:

- ГЭС;
- насос станцияси;
- ГАЭС;
- аралаш (комбинациялашган) ГЭС-ГАЭС;
- тўлқинли электр станциялар.

Сув оғирлик босими остида юқори бьефдан қуйи бьефга тушади ва бу жараёнда турбинанинг иш қилдираги айлантирилади. Турбина ва генератор биргаликда гидроагрегатни ҳосил қилади. Турбина ичида гидравлик энергия механик энергияга айланади, генератор эса ушбу энергияни электр энергияга айлантириб беради. Гидроэнергетик қурилмалар орасида энг йириги ГЭСлар ҳисобланади.

Насослар ва насос станциялари

Насослар ва уларнинг иш хусусиятлари бўйича гуруҳлари. Суюқликларни ҳайдаш учун хизмат қиладиган гидравлик машина насос деб аталади. Насосларда двигател ёки бошқа қурилманинг механик энергияси суюқликнинг гидравлик энергиясига айлантирилиб берилади. Насослар иш хусусиятлари бўйича динамик ва ҳажмий гуруҳларга бўлинади.

Динамик насосларда суюқлик насоснинг кириш ҳамда чиқиш қисмлари билан доимий боғланган иш камерасида ҳосил қилинадиган кучлар ҳисобига ҳаракатланади. Динамик насослар куракли ва ишқаланиш ҳисобига ишлайдиган турларга бўлинади.

Куракли насосларда суюқлик айланадиган ишчи қилдирак кураклари билан ўзаро динамик таъсирда бўлади ва қилдиракнинг механик энергиясини ўзига қабул қилади.

Оқимнинг йўналиши бўйича куракли насослар марказдан қочма, ўқли ва диагональ турларга бўлинади.

Уюрмавий, оқимли, шнекли насослар ва эрлифтлар ишқаланиш кучлари ҳамда марказдан қочма кучлар ҳисобига ишлайди.

Ҳажмий насосларда суюқлик насос ишчи камераси ҳажмининг ўзгариб туриши натижасида ҳосил бўладиган кучлар таъсирида ҳаракатланади. Бу гуруҳга поршенли, плунжерли, диафрагмали,

роторли ва шунга ўхшаш насослар киради.

Насос ва юритиш двигатели биргаликда **насос агрегати** деб аталади. Насос қурилмаси агрегатдан ва унинг ишлашини таъминлайдиган қўшимча жиҳозлардан (масалан, сўриш ва ҳайдаш қувурлари, тирсаклар, қулфаклар, тескари клапан, монометрлар, вакуумметрлар ва бошқ.) ташкил топади. Сув ҳўжалигида марказдан қочма насослар кўпроқ ишлатилади. Шу сабабли, ушбу насосларнинг тузилиши ва ишлаш хусусиятлари ҳақидаги бошланғич маълумотларни кўриб чиқайлик.

Насос станцияларининг таркибий қисмлари

Сув олиш иншооти насосга олинадиган сув сарфини кафолатлаш учун барпо этилади. Бу иншоот одатда затворлар билан таъминланади. Бундан ташқари, сув олиш иншоотида оқизиклар ва балиқларни насосларга ўтказмайдиган қурилмалар ҳам бўлиши лозим.

Сув узатиш иншооти очиқ канал ёки ёпиқ қувур кўринишида бўлиши мумкин. Бу иншоот деривацион схема бўйича ишлайдиган станциялар таркибида қурилади. Сув узатиш иншоотининг ўлчамлари гидравлик ҳисоблар асосида тайинланади.

Аванкамера сув узатиш иншоотини сув қабул қилиш иншооти билан боғловчи қисмдир. Сув қабул қилиш иншооти одатда сув узатиш иншоотидан кенгроқ ва чуқурроқ бўлади. Шу сабабли, аванкамера кесими сув қабул қилиш иншооти томонига қараб кенгайиб ва чуқурлашиб боради. Сув қабул қилиш иншоотида насосларнинг меъёрлар даражасида сўриш имкониятлари таъминланади. Сув насосларга сўриш қувурлари ёрдамида узатилади. Сўриш қувурларининг каллаги тескари клапанли тўр билан таъминланган бўлиши мумкин. Насос станцияси биноси асосий ишчи майдончалар ва хизмат хоналаридан ташкил топади. Унда насослар, двигателлар, энергия узатувчи қурилмалар, бошқарув пульти, юк кўтариш кранлари ва ҳ.к. жойлашади.

Босим (ҳайдаш) қувурлари насосларни сув чиқариш иншооти билан боғлайди. Босим қувурлари қулфаклар ва тескари клапанлар билан ҳам таъминланиши лозим.

Сув чиқариш иншоотининг асосий вазифаси босим қувуридан чиқаётган оқимни юқори бьефга узатишда минимал напор йўқотилишига эришишни таъминлаш ҳамда насос агрегати ишдан тўхтаганда босим ҳавзасидаги сувнинг орқага (насослар тарафга) кескин қайтиб кетишини олдини олишдир.

Босим ҳавзаси сув чиқариш иншоотини сув олиб кетиш ўзани билан боғлайди.

Сув омбори – сувни тўплаш учун яратилган сунъий сув ҳавзаси.

Биринчи сув омборлари Нил дарёси водийсидаги ерларни ўзлаштириш учун Қадимги Мисрда мил.авв. 3 минг йилликда бунёд этилган.

Маълумки, дарёлардаги сув миқдори йил давомида мавсумдан-мавсумга ва у йилдан бу йилга тез-тез ўзгариб туради. Ер юзидаги, айниқса, Марказий Осиё каби арид (қуруқ) иқлимли ҳудудлардаги баъзи бир дарё ва сойларнинг сув миқдори йил давомида шу қадар нотекис ва ноқулай тақсимланганки, оқибатда миллиард-миллиард метр куб сув халқ ҳўжалигига ҳеч қандай фойда келтирмасдан беҳуда оқиб кетади. Айрим пайтларда, масалан, тошқин ва тўлинсув даврларида тўлиб-тошиб оқиб, катта зарар ҳам келтиради. Ўлкамиз шароитида, қишлоқ ҳўжалигида сувга бўлган талаб ортган мавсумларда эса бундай дарё ва сойлардаги сув кескин камайиб кетади, айрим ҳолларда эса бутунлай қуриб қолади.

Мана шундай шароитда дарё ва сойлар сувидан тўла ва самарали фойдаланиш ҳамда тошқинларни олдини олиш мақсадида, уларнинг оқим режимини бошқариб туриш зарур. Бу муаммони дарёларда сунъий қўллар – сув омборлари барпо этиш йўли билан ҳал этилади.

Сувни тўплаб, ундан келгусида фойдаланишга имкон берадиган иншоот сув омбори бўлади. Сув омборларининг умумий кўриниши, сувни тўплаш шарт-шароитлари, тўғонининг қурилиши усуллари бўйича хилма-хилдир. Ана шу белгилари бўйича уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- ёпиқ сув омборлари;
- очик сув омборлари.

Ёпиқ сув омборларига сув сақланадиган катта-кичик идишлар, резервуарлар киради. Бундай сув омборлари темирдан, темир-бетондан, тош ва бошқа материаллардан қурилади. Улар оқимни кунлар, ҳафта, ой, баъзан мавсумлар бўйича бошқаришга мўлжалланади. Ўлкамизда жуда қадимдан мавжуд бўлган сардобаларни ҳам ана шундай сув омборлари турига киритиш мумкин.

Очик сув омборлари икки хил бўлади:

1. Дамбали сув омборлари;
2. Тўғонли сув омборлари.

Дамбали сув омборлари қуйидаги кўринишларда учрайди:

- а) бир томонлама дамба, нишаб жойда селдан сақлаш мақсадида қурилади;
- б) гир айлана дамба, горизонтал жойда қурилади;
- в) ярим қовланган дамба, сув омборининг сув сифимини катталаштириш мақсадида қурилади.

Юқорида қайд этилган сув омборларидан турли мақсадларда фойдаланиш мумкин ва шунга боғлиқ ҳолда вазифалари ҳам турлича бўлади.

Сув омборларининг тўғонлари вазифасига кўра икки турга бўлинади:

- а) сув сатҳини кўтаришга мўлжалланган тўғонлар. Улар энергетика, сув транспорти, дарё ёки каналдан сув олиш мақсадларида қурилади;
- б) сувни тўплаш ва дарё оқимини бошқариш мақсадида қурилган тўғонлар.

Ҳозирги кунда ягона мақсадда тўғон қуриш кам учрайди. Кўпчилик тўғонлар мажмуали-комплекс мақсадларни кўзлаб қурилади.

Сув омборларининг кўрсаткичлари (параметрлари) икки йўналишда белгиланади:

- сув омборининг ўлчамларини характерлайдиган параметрлар;
- сув омборидан фойдаланиш режимини аниқлайдиган параметрлар;

Биринчи турдаги, яъни сув омборларининг ўлчамларини характерлайдиган параметрлар қуйидагилардан иборат:

- а) меъёрий димланиш сатҳи (МДС);
- б) фойдасиз ҳажм сатҳи (ФХС);
- в) ишчи сув сатҳи (ИСС)¹.

Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигига кўра, “Сув омборларида тўғонлар, дамбалар, сув ўтказадиган ва сув оладиган иншоотлар, гидроэнергетика мажмуаларидан ҳамда бошқа иншоотлардан фойдаланувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фойдаланиш қоидалари ҳамда сув омборларининг таъсир зоналаридаги сувдан фойдаланувчилар, сув истеъмолчилари, ер участкаларининг мулкдорлари, ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда, сув омборларини тўлдириш ва ишлатиш борасида белгиланган режимга риоя қилиши шарт”². Сув омборларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалиги вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси (ҳозирда Ўзбекистон Республикасининг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув ҳўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда беҳатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси ва бошқа манфаатдор органлар билан келишиб, ҳар бир сув омбори, сув омборлари тизмаси ёки тизими учун тасдиқланган қоидаларда белгиланади³.

¹ Расулов Р., Икматов Ф., Пайтбоев Д. Гидрология асослари. – Тошкент: “Университет”. – 2003. – 235-239-бетлар.

² Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни, 1993 йил 6 май, 837-ХП-сон, 78-модда.

³ Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни, 1993 йил 6 май, 837-ХП-сон, 79-модда.